КЕЛАСИ ЙИЛ ҲОСИЛИГА МУСТАҲКАМ ЗАМИН ЯРАТАЙЛИК!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

46-йил чиқиши № 277 (12.931).
28 НОЯБРЬ 1964 йил ШАНБА
Баҳоси 2 тийин.

ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР!

Қолган ҳосилни тезда йиғиб олиб, кузги-қишки ишларни бошлаб юборайлик * *Шудгорлаш, техника ремонти, ирригация ва мелиорация ишларини кучайтириш муҳим вазифамиздир.*

САМИМИЙ МИННАТДОРЧИЛИК

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 47 йиллиги муносабати билан КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети Совет Иттифоқининг меҳнаткашларидан, корхоналар, қурилишлар, колхоз ва совхозларнинг, партия, давлат ва жамоат ташкилотларининг коллективларидан, чет эллардаги коммунистик ҳамда ишчи партиялардан, жамоат ташкилотларидан ва айрим кишилардан жуда кўп хат ва телеграммалар олишди.

Хат ва телеграммаларда Совет Иттифоқи халқларига, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматига дўстона қутловлар баён қилинади ва уларнинг коммунистик қурилишда, марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми асосида коммунистик ҳамда ишчи партияларни жипслаштириш учун, умумий тинчлик ва халқлар хавфсизлиги учун, демократия ва социал тараққиёт учун курашда муваффақиятлари қўлга киритишларига истак билдирилади.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети самимий дўстона табриклари ва яхши истаклари учун барча совет ташкилотлари ва меҳнаткашларига, қардош партияларга, чет эллардаги ташкилотларга ва айрим кишиларга чин кўнгилдан ташаккур изҳор қиладилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ — СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

КОММУНИСТ

Коммунист халқ бахт-саодати учун ҳормас-толмас курашчи, партия, халқ ишига садоқатли, ғоявий, субутли, одамларга меҳрибон, адолатнинг тантанаси учун кураш йўлидан сира қайтмайдиган жангчидир.

Партия сафларининг ғоявий ва ташкилий бирлиги, монолитлиги, барча коммунистларнинг юксак онгли интизоми — КПСС ҳаётиниг бузилмас қонунидир.

Коммунист бирор нарса, бирор ҳодисага сира бефарқ, лоқайд қараб туролмайди. У фақат ўзи учун, ўз меҳнати ва халқ-атвори учунгина жавобгар бўлиб қолмай, партия ташкилотидаги ахвол учун ҳам, коллектив учун ҳам, бутун партия, мамлакат учун ҳам масъул кишидир. У миллионларнинг авангарди, етакчиси, маслаҳатгўйи, ҳаётда уларнинг йўлини ёритиб турадиган машъалдир.

Партиянинг обрўси, партиянинг таъсири, партиянинг ташкилотчилик кучи ҳар бир коммунистнинг фаолиятига, омма билан ҳамнафас, бир тан-бир жон бўлиб иш кўришига, партиямиз сиёсатини халқ оммасига қанчалик маҳорат ва қунт билан тушунтиришига боғлиқдир. Партия сиёсатини маъқуллашнинг ўзи кифоя қилмайди: ҳар бир коммунист партиянинг ана шу доно, ҳаётий, миллионларнинг манфаатларига мос келадиган сиёсатини чуқур англаши, бу сиёсатни ўзининг жонажон, шахсий иши деб билиши ва амалга ошириш учун курашмоғи керак.

Ўзбекистон Компартияси — КПССнинг шонли, жанговар отрядларидан биридир. Республикамиз эндигина ташкил топаётган пайтда Ўзбекистон Компартиясида атиги 16 минг коммунист бор эди. Эндиликда унинг сафларида уч юз мингдан кўпроқ киши бор. Бу — тоғни талқон, чўлни бўстон қилишга қудрати етадиган кучдир. Бу — Ўзбекистоннинг шонли 40 йиллик тўйи йилида халқимиз эришган ажойиб тарихий ғалабалар учун курашда ташкилотчилик қилган, оммани илҳомлантирган қудратли кучдир.

Ана шу уч юз мингли енгилмас армиянинг жангчиларидан, оддий солдатларидан бири Андижон область, Марҳамат районидаги Ильич номли колхоз бригада бошлиғи Мамажон Дадажоновдир. Бу меҳнатсевар, намтар коммунист ҳамма янги, прогрессив нарсанинг ташаббускори бўлишни, илғор тажрибани қувватлаш, техникани астойдил эгаллашни ўз ҳаётининг асл маъноси деб тушунади. Шунинг учун ҳам бу йил терим арафасида «Пахтакор, машинага ихлос қўй!» деб республикамиздаги барча механизаторларга, деҳқонларга хитоб қилишни ўз ватанпарварлик бурчи деб тушунди. Моҳир механизатор ижтимоий бурчни бажаришнинг ажойиб намунасини кўрсатди: бир ўзи «Пахтакор» агрегати бункеридан катта хирмонга 360 тоннадан кўпроқ «оқ олтин» тўнди.

Мамажон Дадажонов, Турсуной Охуновага ўхшаш азаматлар механизациянинг йўлида турган ғовларга, ўжарликка қарши принципиаллик билан курашиб, янгиликнинг тантанасини амалда кўрсатиб келаётган коммунистлардир.

Меҳнатсевар, ростгўй, ҳалол бўлиш, худбинликка қарши кураш, ижтимоий бурчни виждонан ўташ, марксча-ленинча назарияни қунт билан эгаллаш, буржуа идеологиясининг ҳар қандай кўринишларига шафқатсиз ўт очиш — коммунистнинг бурчидир.

Партия олдида турган вазифаларни унинг сафларига уюшган барча коммунистлар, меҳнаткашлар оммаси ҳал қиладилар. Партиянинг барча аъзолари учун баб-баравар мажбурий бўлган партия ва давлат интизоми бор. Партия ташкилотларининг биринчи вазифаси ҳар бир коммунистни ана шу интизомга қатъий риоя қилиш руҳида тарбиялашдан иборатдир.

Партиянинг ҳар бир аъзоси КПСС Программаси, партия Уставидаги ҳуқуқ ва бурчларни муқаддас билмоғи керак.

Лаганбардорлик, эришилган муваффақиятлардан ҳовликиб кетиш, тилёғламачилик, дилда бир хил ўйлаб, тилда бошқача гапириш, кўнгилда бор гапларни очиқ айтмаслик, икки юзламачилик, мутаассиблик, принципсизлик, бепарволик ва масъулиятсизлик коммунистларнинг табиатига бутунлай ёт нарсадир. Партиянинг ҳар бир аъзоси йиғилишларда ўз фикрини дангал айтиши, юрак садосига қулоқ солиши керак.

Танқид ва ўз-ўзини танқидни ривожлантириш, камчиликларни холис, дадил очиб ташлаш партия аъзосининг энг муҳим ишидир.

Партия аъзоларида энг яхши фазилатларни камол топтиришда ҳар бир бошланғич партия ташкилоти тарбия мактабидир. Шунинг учун ҳам партиянинг негизи — бошланғич ташкилотларнинг ролини ошириш учун кураш — партиянинг ғоявий ва ташкилий бирлигини мустаҳкамлаш учун курашдир.

Коммунизмнинг нурафшон олтин водийларидан эсаётган ҳаётбахш шабадани яқин келажак сезиб турибмиз. Коммунизмнинг муаззам қасрига ҳар куни биттадан олтин ғишт қўяётган қуёшли Узбекистон меҳнаткашлари ҳам янги зафарларга отланмоқдалар. Бу йилни яхши якунлаяпмиз. Лекин олдимизда турган вазифалар тагин ҳам улуғроқдир. Янги марраларни эгаллашда, коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтиришдан иборат олижаноб курашда республикамиз коммунистлари, бутун ўзбек халқи янги-янги қаҳрамонлик саҳифаларини очишлари турган гап.

Коммунист — давримизнинг мағрур сўзи. Ҳаёт томири уриб турган ҳар бир жойда, ҳар бир корхонада, ҳар бир колхоз, совхозда коммунистнинг фидоийлиги, ижодкорлиги, байроқдорлиги, авангардлиги, жонажон коллективидаги кишилар билан ҳамнафаслиги, бир тан-бир жонлиги ҳар қадамда намоён бўлсин!

БАЛЛИ, ХОРАЗМЛИКЛАР!

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ХОРАЗМ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИГА ВА ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИГА

ХОРАЗМ ОБЛАСТИНИНГ КОЛХОЗЧИЛАРИ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ МУТАХАССИСЛАРИ, БАРЧА МЕҲНАТКАШЛАРИГА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Хоразм областининг колхозлари пахта тайёрлаш планини муваффақиятли бажарганликларини зўр мамнуният билан қайд қиладилар. Область хўжаликлари тайёрлаш пунктларига 280 минг тонна пахта этиб бердилар ва пландан ташқари 20 минг тонна пахта топшириш мажбуриятини олдилар.

Бу ажойиб муваффақиятлар пахтакорлар фидокорона меҳнат қилганлиги ва юксак маҳорат кўрсатганлиги ҳамда ғўзани парвариш қилишнинг илғор усуллари кенг қўлланилганлиги натижасида қўлга киритилди.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Хоразм областининг колхозчиларини, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассисларини, партия, совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари ходимларини, барча меҳнаткашларини катта меҳнат ғалабаси билан қизғин қутлайдилар ва область қишлоқ хўжалиги меҳнаткашлари қўшимча пахта топшириш мажбуриятини бажарадилар, келгуси йил ҳосили учун кузги-қишки тадбирларни муваффақиятли ўтказадилар ва пахта, гўшт, сут ҳамда бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтирмоқ учун қунт билан курашадилар, деб ишонч билдирадилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИГА, СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИГА

Маълум қиламизки, Хоразм областининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари КПСС XXII съезди қарорларини ва партиямиз Программасини амалга ошира бориб, пахта тайёрлаш йиллик планини муддатидан олдин бажардилар. Тайёрлаш пунктларига 280 минг тонна пахта этиб берилди. Областда ўрта ҳисобда гектар бошига 28 центнер пахта олинди. «Октябрь 40 йиллиги», Свердлов номидаги, Киров номидаги колхозлар гектар бошига 35-36 центнер ҳосил олишди.

Пахта тайёрлаш планини областда биринчи бўлиб бажарган ва шу дамгача гектар бошига 30 центнердан пахта олган Янгиариқ ишлаб чиқариш бошқармасининг меҳнаткашлари ажойиб муваффақиятларга эришдилар. Аваз Ўтар ўғли номидаги колхозда Искандар Юсупов бригадаси рекорд ҳосил етиштирди. Бу бригада 63 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 56 центнердан пахта олди. Ҳазорасп ва Гурлан ишлаб чиқариш бошқармаларининг хўжаликлари пахта тайёрлаш планини муваффақиятли бажардилар.

Пахтани машинада териш плани ошириб бажарилди ва 56 минг тоннадан кўпроқ пахта машиналарда териб олинди.

Область қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари далаларда қолган ҳосилни яқин фурсат ичида батамом териб олмоқ, давлатга пландан ташқари 20 минг тонна пахта топшириш мажбуриятини бажармоқ учун ўзларининг бутун қучларини сарфламоқдалар.

Область хўжаликлари давлатга гўшт, сут, жун, тухум, қоракўл тери, пилла, шоли, сабзавот, полиз, экинлари, мева, узум сотиш планини ҳам ошириб бажардилар. Етарли миқдорда ем-хашак тайёрлаб қўйилди, бу эса чорва қишловини яхши ўтказишни таъминлайди. Хозирги вақтда областнинг ҳамма хўжаликлари кузги-қишки ишларни авж олдирмоқдалар, келгуси йилда мўл ҳосил олиш учун замин тайёрламоқдалар. Хоразм области меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетини ва СССР Министрлар Советини ишонтириб айтадиларки, улар пахта, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтирмоқ учун бундан буён ҳам янада зўр матонат билан кураша берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИНИНГ ХОРАЗМ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ — ХОРАЗМ ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ

НОЯБРЬ 27 „Оқ олтин" ХИРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОНДА: Қашқадарё областида бир кунда 0,07 ва мавсум бошидан буён 119,52 процент пахта тайёрланди. Тошкент областида 0,14 — 114,45; Фарғона областида 0,08 — 109,61; Андижон областида 0,06 — 108,06; Хоразм областида 0,49 — 102,19; Сирдарё областида 0,22 — 101,33; Сурхондарё областида 0,13 — 101,13; Қорақалпоғистон АССРда 0,24 — 100,33; Бухоро областида 0,79 — 100,10; Самарқанд областида бир кунда 0,78 ва мавсум бошидан буён 95,30 процент пахта тайёрланди.

ЎРТА ОСИЕ ИҚТИСОДИЙ РАЙОНИДА: Чимкент области пахта тайёрлаш планини 114,58; Қирғизистон ССР — 108,60; Ўзбекистон ССР — 105,21; Тожикистон ССР — 97,16; Туркманистон ССР — 97,10 процент бажарди.

АШХОБОДДА БАЙРАМ

АШХОБОД, 26 ноябрь. (ТАСС мухбири). Туркманистонда республиканинг 40 йиллиги шарафига ўтказилаётган тантаналар давом этмоқда. Қардош республикалардан байрамга келган делегацияларнинг аъзолари бугун Ашхобод гилам фабрикасига боришди. Меҳмонлар корхона цехларини кириб кўришди, фабрикада ишлаб чиқилган доимий виставкани ва бу виставкада тўпланган гиламчилик санъатининг бир талай нодир асарларини қизиқиб томоша қилишди. Меҳмонлар фабриканинг эсдалик дафтарига ўз фикрларини ёзиб қолдириб, туркман чеварларининг санъатига ўзларининг қойил бўлганликларини изҳор қилишди.

Ашхобод ипподромида ўтказилган катта спорт байрамида меҳмонлар пойгаларни ва бошқа чавандозлик спорти мусобақаларини томоша қилишди.

Туркманистон Компартияси Марказий Комитети, Туркманистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Совети Туркманистон ССР ва республика Компартиясининг 40 йиллиги шарафига қабул маросими ўтказдилар. Қабул маросимида КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин, қардош республикалар, Москва ва Ленинград делегацияларининг аъзолари, СССР ва Туркманистон ССР Олий Советининг депутатлари, Туркманистон Компартияси ва ҳукуматининг раҳбарлари ҳозир бўлишди.

ХОРАЗМ ОБЛАСТИГА ЛЕНИН ОРДЕНИ ТОПШИРИЛДИ

УРГАНЧ, 27 ноябрь. (ЎзТАГ). Қадимий Хоразм диёрида бугун катта байрам. Узбекистонда ва мамлакатнинг барча пахтакор республикалари орасида энг илғор Хоразм областига ҳукуматнинг олий мукофоти — Ленин ордени топшириш маросими ўтказилмоқда.

Урганч яқинидаги Ленин номли колхоз маданият саройининг залида байрамдагидек безатилган. Область меҳнаткашлари вакилларининг йиғилиши президиумида КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. И. Микоян, КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, Узбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, КПСС Марказий Комитети Урта Осиё Бюросининг раиси В. Г. Ломоносов, СССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раиси Е. С. Насриддинова, областнинг раҳбар партия ва совет ходимлари, донги кетган новаторлар ўтиришдилар.

Йиғилишни Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари Б. Р. Раҳимов очди. Е. С. Насриддинова СССР Олий Совети Президиумининг областни мукофотлаш тўғрисидаги Фармонини ўқиб беради.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси А. И. Микоян гулдурос қарсаклар остида область вакилларига Ленин орденини топширади ва сўнгра шу ерда ҳозир бўлган кишиларга қарата нутқ сўзлайди.

Ўртоқ А. И. Микоян ўз нутқида бундай деди:

— КПСС Марказий Комитети Президиуми, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати номидан ва уларнинг топшириғига биноан, Хоразмнинг моҳир пахтакорларини ҳукуматнинг олий мукофоти — Ленин ордени билан қизғин табриклайман.

Область ўтган йили пахтачиликда эришган катта муваффақиятлари учун мукофотланган эди. Хоразм меҳнаткашлари бу йил фидокорона қилган меҳнатлари, қўлга киритган муваффақиятлари билан ана шу юксак мукофотга сазовор эканликларини намойиш қилдилар. Область бу йил пахта тайёрлаш планини бажарди ва эндиликда пландан ташқари пахта топширмоқда.

Утмишда қолоқ ўлка бўлган Хоразм,— деди А. И. Микоян,— Совет ҳокимияти йилларида тараққиёт сари жуда катта қадам қўйди. Область меҳнаткашлари пахтадан мўл ҳосил етиштиришгина қолмай, балки кўп миқдорда қоракўл тери, пилла, шоли ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ҳам етиштирмоқдалар. Сизнинг меҳнатсевар қўлларингиз мўъжизалар яратмоқда.

Серқуёш Узбекистон ҳам қардош республикалар оиласида ажойиб муваффақиятларга эришди. Республика меҳнаткашлари Узбекистон ССР ва Узбекистон Коммунистик партиясининг қирқ йиллигини пахтачиликда ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқларида жуда катта меҳнат зафарлари билан нишонладилар.

Ўртоқ А. И. Микоян сўзининг охирида орденли Хоразм меҳнаткашларининг коммунизм қурилишида янги ажойиб муваффақиятларга эришувларини тилади.

Е. С. Насриддинова Узбекистон Компартияси Марказий Комитети, Узбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Совети номидан, республиканинг барча меҳнаткашлари номидан Хоразм меҳнаткашларини қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги катта муваффақиятлари билан, ҳукуматнинг юксак мукофоти билан самимий табриклайди.

Янгиариқ бошқармаси парткомининг секретари М. Маткаримов, Урганч темир йўл станцияси депосининг машинисти П. В. Клименко, Янгиариқ ишлаб чиқариш бошқармасидаги Аваз Ўтар ўғли номли колхознинг бригада бошлиғи, олтмиш центнерчилар ватанпарварлик ҳаракатининг ташаббускори ва Хоразм областида рекорд пахта ҳосили олган И. Юсупов, В. И. Ленин номидаги педагогика институтининг студенти Я. Иброҳимова, Ҳазорасп ишлаб чиқариш бошқармасидаги «Коммуна» колхозининг раиси И. Жабборов ўз нутқларида область пахтакорларининг меҳнатига юксак баҳо берганликлари учун Коммунистик партияга, унинг ленинчи Марказий Комитетига, жонажон Совет ҳукуматига самимий ташаккур билдирадилар.

Область партия комитетининг биринчи секретари Б. Р. Раҳимов Хоразмнинг барча меҳнаткашлари номидан гапириб, уларнинг республикамиздаги ва мамлакатимиздаги барча меҳнаткашлар билан бир ёқадан бош чиқариб, коммунизм қурилишининг моддий-техника базасини вужудга келтириш йўлидаги умумхалқ курашига қўшаётган ҳиссаларига юксак баҳо берганликлари учун жонажон Коммунистик партия ленинчи Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига ва Совет ҳукуматига самимий ташаккур изҳор қилади.

Область меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг ҳали яқиндагина олинган табрикномасини ғоят баланд руҳ билан кутиб олдилар.



ТОШКЕНТ области. 1- «Оҳангарон» совхози механизаторлари кузги дон экишни тугаллай деб қолдилар. Ҳозиргача 4000 гектардан ортиқ майдонга уруғ ташланди. Ўртоқ А. Парпиев бошлиқ пешқадам бригадада ҳар куни 15-16 гектар ерга дон экилмоқда. Суратда: дон экиш пайти.

К. Розиқов фотоси, (ЎзТАГ фотохроникаси).

Хушхабарлар

1964 ИИЛДА ИШГА ТУШИРИЛГАН КОРХОНАЛАР

1964 йили — республика ва Узбекистон Коммунистик партиясининг юбилей йилида ўнлаб янги заводлар, фабрикалар, корхоналар ишга туширилди. Қурувчилар, монтажчилар, ишчилар Совет Узбекистонининг индустриал қудратини тез суръатлар билан ошириш учун мусобақалашиб, саноат корхоналарини барпо этишда янги методларни жорий қилмоқдалар. 1964 йилда ишга туширилган кўпгина заводлар ва цехлар ҳозирдаёқ дастлабки маҳсулот берди. Уларнинг баъзилари ҳақида қуйида ҳикоя қиламиз.

2000 ЭКРАН ИШГА ТУШАДИ

Самарқанддаги «Кинап» заводининг бутун асосий ишлаб чиқариши янги корпусларга ўтказилди.

Илгариги цехлар корхона учун торлик қилди — янги замонавий асбоб-ускуналарни жойлаштириш учун кенг майдон керак бўлиб қолди. Завод янги бинога кўчиб ўтиши билан янада яшариб кетди. Заводнинг территорияси қариб тўрт баравар кенгайтирилди. Улкан цехларда поток конвейер линиялари монтаж қилинди. Барча участкалар транспортёрлар билан боғланган.

Бўш ётган ерда қад кўтарган корхонанинг гигант корпусидан Жамолиддин Саидвалиев бошлиқ комплекс қурилиш бригадаси ҳаммадан кейин кетди. 25 кишидан иборат бу зарбдор коллективдаги ҳар бир қурувчи 4-5 касбни эгаллаб олган. Бу — асосий корпусни муддатидан бир ой илгари қуриб битказиш имконини берди. Бу ерда саноат объектини тайёр деталлардан қуриш методи Самарқандда биринчи бўлиб қўлланилди. Қурилиш майдончасига келтирилган йирма конструкциялар ва техника ускуналаридан дарҳол фойдаланилиб келди, цехлар график бўйича қурилди ва техника билан жиҳозланди.

Завод қурувчилари ва ишчилари корхонани янги жойга кўчиришни ишнинг кўзини билган ҳолда уюштирдилар. Цехлар навбат билан янги заводга кўчирилди.

Янгидан тикланган завод эндиликда мамлакатнинг шу соҳадаги корхоналари ўртасида энг йириклардан бири бўлиб, у бир йилда 2 минг кинотеатр учун товуш ўтказувчи аппаратлар, янги конструкциядаги випрямитель, таҳсимловчи, стабилизациялаштирувчи ускуналар ва бошқа асбоблар ишлаб чиқаради. (ЎзТАГ).



АМУ — Бухоро машина канали трассасидаги Ҳамза насос станцияси тез суръатлар билан қурилмоқда. Станциянинг тўққизта қудратли насоси сувни ўн олти қават уй баландлигида юқорига кўтариб далаларга узатиб туради. Суратда: Ҳамза насос станцияси қурилишида.

А. Усмонов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ЮҚОРИ СИФАТ УЧУН

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

Фабрика партбюросининг секретари Антонина Васильевна Ахмановага «маҳсулот сифати ҳақида ёзмоқчиман» дейишим биланоқ, у столи тортмасидан бир даста хат олиб, менга узатди.

— Ўқиб кўринг,— деди партбюро секретари.— Харидорлардан шу ҳафтадагина олган хатларимиз. Корхонамиз тайёрлаётган маҳсулотларнинг сифати қандай эканлигини шулардан ҳам билиб олишингиз мумкин...

«Қизил тонг» фабрикасидаги ҳурматли тикувчиларга! — ёзади олмаликлик ўқувчи қиз Таня Егорова.—Дадам сизлар тиккан пальтодан кеча олиб берди. Бундай хушбичим, чиройли кийимни кўпдан бери киймаган эдим. Ҳамма дугоналаримнинг ҳаваси келганини айтмайсизми! Улар ҳам меникидақа пальто ахтаришяпти.

Одамлар ҳақида ўйлаб, қайғуриб ишлаётганингларданж жуда хурсандман. Раҳмат!».

Хатлар, хатлар... Саноғига етолмайсан уларнинг. Барчасида фабрика коллективи шаънига илиқ, самимий сўзлар айтилган. Яхши дид билан бичиб-тикилган сарполар учун раҳматлар, таҳсинлар... Булар фабрика партия ташкилотига, ўз касбини жон-дилдан севадиган, кишилар тўғрисида ўйлаб меҳнат қилаётган ажойиб коммунистлар шаънига ҳам тегишли гаплардир. Бунинг боиси бор. Дарҳақиқат, корхона партия ташкилоти меҳнат унумдорлигини оширишдан ташқари, маҳсулот сифатини яхшилашга биринчи даражали эътибор бераётир.

Деярли барча цехларда партия ташкилотлари бор. Улар ишлаб чиқаришнинг энг муҳим масалалари, жумладан, маҳсулот сифатини яхшилаш билан конкрет шуғулланаётирлар. Корхонада маҳсулот сифатини яхшилашга қаратилган кўпгина тадбирлар коммунистлар ташаббуси билан амалга оширилаётир. Чунончи, шу йил август ойида маҳсулот сифатини яхшилашга бағишланган конференция бўлиб ўтди. Конференция иштирокчилари — савдо ходимлари, харидорлар, шунингдек, фабриканинг пешқадамлари совет кишиларига бежирим, чиройли кийим-кечак туҳфа қилиш ҳақида батафсил фикр олишдилар.

Бундан ташқари, ҳар сешанба куни барча цех ва участкаларда «Маҳсулот сифатини яхшилаш куни» ўтказилади. Фабрика коммунистлари бундай тадбирларни уюшқоқлик билан ўтказишда актив қатнашмоқдалар.

Ўз-ўзидан маълумки, маҳсулот сифатини яхшилаш, даставвал, ишчиларнинг, инженер-техник ходимларнинг савиясига боғлиқ. Буни кўзда тутиб, корхона партбюроси барча ишчиларнинг, шунингдек, инженер-техник ходимларнинг мунтазам ўқишини назорат қилиб турибди. Бу ерда техника кабинети ташкил этилган бўлиб, унда ҳафтада бир марта тикувчилар, инженер-техник ходимларнинг малака ошириш бўйича машғулотлари ўтказилади. Бундай машғулотларда ишлаб чиқариш процессларининг барча босқичлари ҳақида юқори малакали ҳамда тажрибали мутахассислар суҳбат ўтказадилар. Шунингдек, корхона коллективининг кўпгина аъзолари ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда кечки, сиртқи техникум ва институтларда ўқимоқдалар.

Кенг истеъмол буюмларининг сифатини яхшилашда бу ишга рационализатор ва ихтирочиларнинг эътиборини жалб қилиш алоҳида аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам фабрика партия бюроси рационализатор ва ихтирочиларнинг ижодини маҳсулот сифатини яхшилашга йўналтирмоқда. Шу йилнинг ўтган ўн ойи ичида фабрика рационализатор ва ихтирочилари маҳсулот сифатини яхшилашга қаратилган 56 таклиф киритдилар. Улардан 31 таси ишлаб чиқаришга жорий этилди.

Фабрикада коммунистик меҳнат коллективи номини олиш учун курашаётган иккинчи цех коммунистлари ҳақида кўпгина самимий гапларни айтиш мумкин. Бу ерда 5 коммунист бор. Цех партия ташкилотининг секретари Мария Леонова уларнинг бутун ташаббусини, диққат-эътиборини ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг браксиз бўлишига қаратмоқдаки, чиройли кийимларни кийган ҳар бир совет кишиси: «Ким тиккан бўлса ҳам қўли дард кўрмасин» дейди. Бу цех коллективи корхонада биринчи бўлиб контролерсиз ишлашга кўчди. Фабрика техника контроли бўлимининг бошлиғи Евгения Владимировна Матус мазкур цех кишилари ҳақида ҳаяжонланиб гапиради:

— Ажойиб коллектив-да! Уларнинг ишига қараб ҳавасинг келади. Кийимларни худди қуйгандек тикишади. Ҳатто чоки билинмай кетади.

М. Якимчак секретарь бўлган 7-цех коммунистлари ҳам сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришда корхонада биринчилар сафида боряпти. Бу ерда ҳар бир тикувчи ўзининг асосий мутахассислигидан ташқари яна бир неча процессларни бажаришни ўрганиб олган. Цехнинг ҳар бир аъзоси қийналиб қолган пайтида ўртоқларига таяниши мумкин.

Тошкентдаги «Қизил тонг» фабрикасининг партия бюроси ўзининг бюро мажлисларида маҳсулот сифатини яхшилаш масаласини тез-тез муҳокама қилиб туради. Шунингдек, бюро мажлисларида цех партия ташкилотларининг бу борада олиб бораётган ишлари ҳақидаги ҳисоботлари эшитилади. Бу эса совет кишилари учун гўзал ва соз, бежирим ва чидамли сарполарни кўпайтиришда омил бўляпти. Шуниси қувонарлики, фабриканинг ҳар бир аъзоси: «Раҳмат — биз учун олий мукофот», деб иш тутаётир. Уларнинг бу олижаноб ҳаракатига корхонанинг фидокор, ижодкор коммунистлари етакчилик қилмоқдалар.

Н. УЛУҒЖОНОВ.

СУРЪАТГА-СУРЪАТ ҚЎШИБ

Қорақалпоғистондаги Мангит пахта тозалаш заводи коллективи ўн бир ойлик планни муддатидан олдин бажарди. Линтерчи Раҳим Тиловов, моторист Борий Довудов, ишчи Қодир Анорбоев ўртоқлар смена топшириқларини ошириб бажариб, корхона коллективининг бу зафарига муносиб ҳисса қўшдилар. Завод коллективи йиллик планни ҳам муддатидан илгари бажариш учун суръатга-суръат қўшиб меҳнат қиляпти.

У. ИСКАНДАРОВ,
завод ишчиси.

ЎЛИҒ ВАТАНИМИЗДА

● Приморье ўлкасида Узоқ Шарқдаги энг йирик Бикин кўмир разрези қурила бошланди. Бу кўмир разрези лойиҳадаги қувватига кўра йилига 8 миллион тонна ёқилғи чиқаришга мўлжалланган.

● Константиновкадаги (Донецк области) химия корхонасида ажойиб цех пайдо бўлди. Цехнинг ҳамма ускуналари очиқ ҳавода ўрнатилган. Бу ускуналарни автоматлар бошқаради. Бу — ватан химиясининг келажакда барпо этиладиган йирик автоматлаштирилган олтингугурт кислотаси цехларининг тимсолидир.

● Озарбайжондаги Ахинжачай сунъий денгизининг суви кўп ўтмай Арманистон чегарасига яқин Кичик Кавказ тоғлари томон оқа бошлайди. Қирқ метр баландликка кўтарилган 420 метрли тўғон тепарагига 1,7 миллион куб метр тош-шағал тўкилди. Бу «денгиз»ўн беш миллион куб метр сув сиғдиради ва ўн бир минг гектардан зиёд колхоз ерларини суғориш имконини беради.

● Астрахандаги шиша толаси ишлаб чиқарадиган заводда уч юздан кўпроқ станок автоматик бошқаришга кўчирилди. Бу муҳим янгилик ватан химия саноатининг ана шу тармоғида биринчи марта амалга оширилди. Бу тадбир оғир газлама тўқувчи бир кишига аввалги икки станок ўрнига тўрт станокка, енгил газлама тўқувчи бир кишига эса аввалги тўрт станок ўрнига олти станокка хизмат қилиш имконини берди.

● Тирасполь районидаги қишлоқ аҳолиси яшайдиган пунктларда участка касалхоналарини жойлаштиришнинг энг яхши вариантини топиш учун электрон-ҳисоблаш машинасига атиги ўн беш минут вақт талаб қилинди. Шуниси ҳисоблаб чиқилганки, башарти бу масалани ҳал қилиш ўн математикка топширилган тақдирда, уларга бунинг учун қариб беш ой вақт талаб қилинар эди.

● Бокудаги Воровский номли қуюв-механика заводи тош кесадиган ўзиюрар агрегатни кўплаб ишлаб чиқара бошлади. Бу агрегат саноат ва граждан объектларини қурган вақтда тошлоқ ва музлаган тупроқни ишлашга мўлжалланган. Отбой болғалари ўрнида ана шу янги машинадан фойдаланиш ер қазиш ишлари таннархини 8-10 баравар арзонлаштиради.

● Львов Халқ хўжалиги кенгашининг конструкторлари ўсимликларга дори пуркайдиган кучли пуркагич яратдилар. Бу машина унумдорлик жиҳатидан «ЯК-12» самолёти билан рақобат қилибгина қолмай, унга нисбатан афзалликларга ҳам эгадир. Масалан, янги пуркагич анча тежамли бўлиб, кучли шамол эсиб турганда ҳам ишлай олади. Янги машинанинг ўзига хос хусусияти шуки, у заҳарли суюқлиқни кенг майдонга (кенглиги 150 метргача) пуркай олади.

● Тожикистон саноат корхоналари йил бошидан буён 16 миллион киловатт-соат электр энергиясини тежадилар.

● Магаданда йирик блоклардан дастлабки қирқ квартирали уй қуриб битказилди. Йил бошидан буён шаҳарда қариб 20 минг квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилди.

● Қозоғистон ССР Фанлар академиясининг Олмаотадаги ботаника боғи реконструкция қилинганидан кейин ўзига хос нўчатзор ва гулзорга айланади. Бу ерда планетамиздаги барча қитъаларнинг ўсимлик оламидан намуналар бўлади. Ҳозир боғда беш ярим мингдан кўпроқ турдаги ўсимликлар ўстирилмоқда.

БУЮК ҒАМХЎРЛИК

СССР олтинчи чақириқ олий Советининг тўртинчи сессияси халқ маорифи, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда ишлаётган ходимлар маошини ошириш ҳақидаги масалани муҳокама қилган эди. Шу йил ноябрдан бошлаб республикамизда соғлиқни сақлаш, халқ маорифи ва бошқа соҳаларда ишлаётган кишиларнинг маоши ошди. Шу муносабат билан Узбекистон ССР маориф министри Э. Қодиров ва соғлиқни сақлаш министри Б. Маъзумов ўртоқлардан ўз фикрларини билдиришларини сўрадик.

Ўртоқ Э. ҚОДИРОВ:

— Ёш авлодни ҳартарафлама билимдон, меҳнатсевар, коммунистик жамиятнинг муносиб аъзолари қилиб тарбиялашда ўқитувчиларнинг роли бениҳоя каттадир.

Коммунистик партия, Совет ҳукумати халқ ўқитувчиси ҳақида доимо ғамхўрлик қилиб келди. Ўқитувчиларга бериладиган ойлик иш ҳақининг оширилиши ҳақидаги қонуннинг қабул қилиниши ана шундай ғамхўрликнинг яна бир ёрқин далилидир. Бу қарорга мувофиқ, ўқитувчилар ва халқ маорифи ходимларига ойлик иш ҳақи тўлашнинг янгича шартлари жорий қилинди. Шу билан бирга, педагогик иш стажини ҳисоблаш тартибига ҳам жуда муҳим ўзгаришлар киритилди. Маориф ходимларига ойлик иш ҳақи тўлашнинг янги шартларини жорий қилишда СССР Министрлар Советининг меҳнат ва иш ҳақи масалалари бўйича Давлат комитети ҳамда ВЦСПС Президиуми томонидан 1964 йилнинг 4 сентябрида тасдиқланган инструкцияга амал қилинади.

Педагогик иш стажини ҳисоблашда ўқитувчиларнинг халқ маорифининг баъзи бир муассасаларида ишлаган вақтини назарда тутмовчи бир қатор чеклашлар бекор қилинди. Масалан, ўқитувчиларнинг ўрта махсус ўқув юртлари ёки профессионал техника билим юртларида махсус фанлардан дарс берган даврлари уларнинг педагогик стажларига кирмас эди. Болалар боғчаларининг тарбиячилари педагогик маълумотга эга бўлсалар ёки болалар боғчасида тарбиячи бўлиб ишлашга қадар мактабда ўқитувчи бўлиб ишласаларгина уларнинг болалар боғчаларида ишлаган вақтлари педагогик иш стажи ҳисобланар эди. Эндиликда халқ маорифининг ҳар қандай муассасаларида педагогик, методик ва раҳбарлик иши билан шуғулланиш ҳеч қандай чекланмаган ҳолда педагогик иш стажи ҳисобига киради.

Маориф ходимларига иш ҳақи тўлашнинг янги шартлари 1964 йил ноябрдан бошлаб жорий қилинаётганлиги сабабли янги инструкцияда назарда тутилган педагогик иш стажини белгилаш тартиби 1965 йилнинг 1 сентябридан, яъни 1965—1966 ўқув йилидан қўлланила бошлайди.

Ўртоқ Б. МАЪЗУМОВ:

— Олий Совет Сессияси қабул қилган қонунда партия ва ҳукуматимизнинг соғлиқни сақлаш посбонлари ҳақида қилаётган ғамхўрлиги ўз ифодасини топган. Республика соғлиқни сақлаш ходимлари шу кунларда ҳар қачонгидан ҳам юксак иштиёқ билан иш қилмоқдалар. Янги қонунга мувофиқ, улар ноябрдан бошлаб оширилган иш ҳақи оляптилар. Энг юқори меҳнат ҳақини қишлоқ участка касалхонаси, амбулатористи, умуман қишлоқ район соғлиқни сақлаш ходимлари оляптилар. Уларнинг ойлик иш ҳақи 100-105 сўмни ташкил этади.

Соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда ишловчи кишиларнинг иш ҳақлари ўртача 27-32 процент ошди. Меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги усулига ўтиш туфайли фақат бизнинг республикамиздаги соғлиқни сақлаш соҳасида ишловчилар учун йилига қўшимча 25 миллион сўм сарфланади. Бу ҳол шу соҳалардаги ходимларнинг моддий манфаатдорлигини оширишга, турмуш даражасини яхшилашга хизмат қилади. Республика соғлиқни сақлаш ходимлари партия ва ҳукуматимизнинг бу ғамхўрлигидан руҳланиб, аҳолига янада яхши медицина хизмати кўрсатадилар.

ХИМИЯ ҚУРИЛИШЛАРИДА

БИНОКОРЛАРДАН УМИДИМИЗ КАТТА

Қиргули саноати узелининг йирик корхоналаридан бири — Фарғона сунъий тола заводи корпусларига пойдевор қўйилганига тўққиз ой бўлди. Шу вақт ичида Жумасой ёниверида бош корпус бинокорлар ва ишчиларнинг ҳаракатлари ва техника ускуналаридан дарҳол фойдаланилиб келди, цехлар график бўйича қурилди ва техника билан жиҳозланди.

Завод қурувчилари ва ишчилари корхонани янги жойга кўчиришни ишнинг кўзини билган ҳолда уюштирдилар. Цехлар навбат билан янги заводга кўчирилди.

Янгидан тикланган завод эндиликда мамлакатнинг шу соҳадаги корхоналари ўртасида энг йириклардан бири бўлиб, у бир йилда 2 минг кинотеатр учун товуш ўтказувчи аппаратлар, янги конструкциядаги випрямитель, таҳсимловчи, стабилизациялаштирувчи ускуналар ва бошқа асбоблар ишлаб чиқаради. (ЎзТАГ).

Қиргули саноати узелининг йирик корхоналаридан бири — Фарғона сунъий тола заводи корпусларига пойдевор қўйилганига тўққиз ой бўлди. Шу вақт ичида Жумасой ёниверида бош корпус бинокорлар ва ишчиларнинг ҳаракатлари ва техника ускуналаридан дарҳол фойдаланилиб келди, цехлар графин бўйича қурилди ва техника билан жиҳозланди.

Завод қурувчилари ва ишчилари корхонани янги жойга кўчиришни ишнинг кўзини билган ҳолда уюштирдилар. Цехлар навбат билан янги заводга кўчирилди.

Янгидан тикланган завод эндиликда мамлакатнинг шу соҳадаги корхоналари ўртасида энг йириклардан бири бўлиб, у бир йилда 2 минг кинотеатр учун товуш ўтказувчи аппаратлар, янги конструкциядаги випрямитель, таҳсимловчи, стабилизациялаштирувчи ускуналар ва бошқа асбоблар ишлаб чиқаради. (ЎзТАГ).

Шунда бўлса ҳам қурилиш-монтаж ишларининг суръати ва кўлами кўнгилдагидек эмас. Ноябрь ва декабрь ойларида бир йилга мўлжалланган қурилиш монтаж ишларининг 20 процентини бажариш керак. Қолоқликнинг сабаблари бор албатта: қурилишда иш даставвал, дуруст ташкил этилмади, бинокорлар йиғма темир-бетонга зор бўлиб турдилар, ишчи кучи ва механизмлар етишмади. Эндиликда эса аҳвол ўзгача. Қурилиш малакали ишчи ва мутахассислар билан мустаҳкамланди, таъминот ҳам изга тушмоқда. Йиллик планни бажариш учун ҳамма имкониятлар бор.

5-қурилиш бошқармаси (бошлиғи ўртоқ Л. Аппазов) қурилиш суръатини ошириш, ички имкониятлардан яхши фойдаланиш юзасидан конкрет тадбирлар белгилади. Анатолий Фрунк, Иван Штольп раҳбар бўлган коммунистик меҳнат бригадалари, инженерлардан Анвар Тожибоев, Николай Седач раҳбарлик қилаётган участкалар ғайрат билан ишламоқдалар. Қурилишда социалистик мусобақа кенг авж олди. Кўпгина бригадалар смена топшириқларини ошириб бажармоқдалар. Тунда ҳам кранлар ва электр пайвандлаш аппаратларининг чироқ ва учқунлари ярақлаб турибди. Бу — иккинчи сменада ҳам иш авж олиб кетганидан далолат.

Аммо бинокорларни зарур конструкциялар ва материаллар билан таъминлашда камчиликлар бор. Жумладан, тунукачилар склад томини ёпиша олмай туришибди. Чунки парапет плиталар йўқ. Ацетон склади ва ремонт устахоналари учун ҳам махсус плиталар етишмай турибди. Шунга қарамасдан қурилиш материаллари комбинатининг директори ўртоқ Коростелев «майда-чуйда маҳсулот тайёрлаб, бошимни оғритиб ўтираманми» қабилида иш тутиб, бинокорлар эҳтиёжини инобатга олмай келаётир. Металл буюмлари, лаборатория блокининг зинапоялари ва бошқа буюмлар етказиб беришни ана шу комбинат кечиктирмоқда.

Иш графигини бажариш учун ноябрь ойида ацетил-целлюлоза складида бетонлаш ишларини бошлаш лозим. «Средазэнергомонтаж», (бошлиғи Т. Аверкин) 36 тонна деталь тайёрлаб бериши керак. Ҳозиргача 26 конусдан 8 таси тайёрланган. Улар ҳам қурилиш майдонига келтирилгани йўқ. Агар аҳвол ўзгармаса, бетонлашни январь аёзида бажаришга тўғри келади. Бу сифатга ёмон таъсир этади, албатта.

Келаси йили корхона эҳтиёжи учун қурилган темир йўл тармоғи ишга тушиши лозим. Аммо «Ўзтрансспецстрой» трестининг 9-қурилиш-монтаж бошқармаси амалий иш ўрнига кўпроқ қоғозбозлик билан овора. Бошқарма (бошлиғи ўртоқ Йўлдошев) ходимлари автомобиль йўлларини равон ва сифатли қуриш чораларини кўрмаётирлар.

Қурилиш суръатини янада кўтариш, мавжуд камчиликларни тугатиш учун ҳамма имкониятлар бор.

А. КИСЛОВ,
Фарғона сунъий тола заводи директорининг ўринбосари.

Обуна эсингиздан чиқмасин

(ХАТЛАРГА ОБЗОР)

□ □

Газета ва журналлар ҳаётимиз ойнаси, совет кишиларининг маънавий бойлигидир. Республикамиз партия ташкилотлари, алоқа ходимлари, шунингдек кўплаб жамоатчилар 1965 йил учун обуна қабул қилишни зўр бериб давом эттирмоқдалар. Редакциямизга ишчи ва қишлоқ мухбирларидан ҳар куни келаётган кўплаб хатхабарлар бунинг далилидир.

«Оққўрғон район алоқа ходимлари, — деб ёзади Ўртоқ М. Канзафаров.— меҳнаткашлар ўртасида обуна тўплашни зўр уюшқоқлик билан давом эттирмоқдалар. Райондаги Димитров номли колхоз партия ташкилоти газета-журналларга ёзилишни уюшқоқлик билан ўтказди. Колхозчилар келаси йили 17 хил газета ва журнал олиб ўқийдилар. Бу—ҳар қонадон ўрта ҳисобда ўчтадан газета ва иккитадан журнал олади демакдир».

Шаҳрисабз районидаги «Қишлоқ» совхозининг соҳибкорлари ҳам 1965 йил газета-журналларига кўплаб обуна бўлаётирлар. Айниқса, Аҳрор Аллаев, Абулбоқи Шойимов, Холиқул Баратов, Фармон Ермонов каби обуначиларнинг ҳар бири 30-40 сўмлиқдан газета-журналларга обуна бўлдилар. Бу ҳақда қишлоқ мухбири Эшонқул Шоназаров ёзиб юборган.

Редакцияга келаётган хат-хабарлар ичида фидокор кишилар — алоқа ходимлари ҳақида кўпгина самимий сўзлар айтилган. «Ўзбекистон районидаги Нурсўқ алоқа бўлимининг мудири Р. Мадраҳимовни қишлоқда ҳамма ҳурмат қилади,— деб ёзади А. Ҳалилов.— Чунки у обуначиларга газета-журналларни ўз вақтида етказиб беришга бош қўшади. Бундан ташқари, обуначиларга қайси бир газета ёки журналга ёзилиш ҳақида яхши маслаҳатлар беради». З. Ўрмонов (Андижон), Э. Рўзибоев (Гулистон шаҳри), М. Қаландаров (Хоразм), У. Тожиев (Янгиер), Ҳ. Жалилов (Олтиариқ) ўртоқлар ҳам ўз ишини жон-дилидан севган, ташаббускор алоқа ходимлари ҳақида самимият билан ёзадилар.

Редакциямизга келган хатлар орасида К. Пўлатов, Р. Каримов, А. Қорўжаев, А. Абдулаҳадов, Ш. Расулев, О. Шодмонов, Р. Эминов (Андижон), Ғ. Шаропов, М. Янгибоев (Самарқанд), Ф. Расулев, Т. Жўраев, Е. Парпиев (Фарғона), Т. Курбонбоев, Ғ. Қаландаров, Қ. Аметов (Қорақалпоғистон АССР), М. Пирназаров, Н. Қундибоев (Сирдарё), Ж. Юсупов, М. Бобожонов, Н. Иноқов, Н. Худоёров, А. Қораев (Қашқадарё), Ж. Абдиев, Қ. Иброҳимов (Хоразм), Р. Бўриев, С. Аҳмедов, У. Шаропов, З. Долимов, Т. Солиев (Тошкент) ўртоқларининг ёзганлари айниқса диққатга сазоворди. Улар республикамиз колхоз ва совхозларида, саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларида, шунингдек муассасалар ва ўқув юртларида газета-журналларга обуна тўплашдаги ютуқлар ҳақида қувониб гапириш билан бирга, бу муҳим, сиёсий ишга етарли эътибор бермаётган партия, комсомол ва касаба союз ташкилотларини танқид қиладилар.

1965 йил учун обуна тўплашнинг тугашига саноқли кунлар қолди. Барча партия ташкилотлари, алоқа ходимлари бу муҳим кампанияни охирига эўр ғайрат ва уюшқоқлик билан ўтказишлари лозим.



Астрахань целлюлоза-картон комбинати маҳсулот бера бошлади. Комбинатда қудратли техника ўрнатилган бўлиб, у сифатли маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Суратда: қамишдан тайёрланган картон машинадан чиқяпти.

М. Редькин фотоси.
(ТАСС фотохроникаси).

ПАХТАКОРЛАР МИТИНГИ

ҚАРШИ, 27 ноябрь. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Кеча Қашқадарё область меҳнаткашларининг пахта тайёрлаш бўйича социалистик мажбурият бажарилишига бағишланган кўпминг кишилик митинги бўлиб ўтди. Митингни область ижроия комитетининг раиси И. Жалилов очди.

Область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ С. Асомов, «Партия XX съезди» совхозининг директори Очил Тошев, Ғузор бошқармасидаги Карл Маркс номли колхознинг бригадири Назар Мейлиқулов, Чироқчи бошқармаси партия комитетининг секретари Пўлат Қурбонов, Қарши Давлат Педагогика институтининг студенти Нуриддинова, ёш шоир Нормурод Нарзуллаев ўртоқлар митингда нутқ сўзладилар. Митинг қатнашчилари келгуси йили ишлаб чиқаришнинг ҳамма соҳалари бўйича планларни анча ортиғи билан бажариб, 1964 йилда қўлга киритилган ғалабани янада мустаҳкамлашга қатъий аҳд қилганликларини изҳор қилдилар.

ТАСС БАЁНОТИ

Яқинда жаҳон жамоатчилиги Вьетнам Демократик Республикасининг суверенитетига яна қўпол равишда дахл қилинганлигини эшитиб ғазабланди. Вьетнам Демократик Республикаси ташқи ишлар министрлигининг берган баёнотида айтилишича, 1964 йил 18 ноябрда Американинг «Ф-100» ва «Т-28» типидаги бир группа ҳарбий самолётлари Вьетнам Демократик Республикасининг осмон чегарасига Лаос томонидан бостириб кириб, Куанг Бинь вилоятидаги районлардан бирига ҳужум қилган. Мазкур баёнотда айтилишича, Вьетнам халқ армиясининг зенитчи қисмлари ўз территориясини мудофаа қилиб, Америка ҳарбий самолётларидан учтасини урив туширган ва иккитасини шикастлантирган.

Америка қуролли кучлари Вьетнам Демократик Республикасига қарши биринчи марта игво қилаётгани йўқ. Чунончи шу йил августда АҚШ авиацияси Вьетнам Демократик Республикасининг Тонкин қўлтиғи районидаги аҳоли яшайдиган пунктларини ва соҳилдаги объектларини ўққа тутди ва бомбардимон қилди. Бу давлатнинг территориясига бундан бошқа босқинлар ҳам қилинди.

Вьетнам Демократик Республикасига қароқчилик билан қилинаётган босқинлар Ҳинди-Хитой ярим оролида уруш ҳаракатларини кенгайтириш мақсадида олдиндан мўлжаллаб қўйилган ва планлаштирилган ишларнинг натижаси бўлса керак. Америка матбуотида босилган хабарларга қараганда, Пентагонда Вьетнамдаги урушни кенгайтириш планлари ишлаб чиқилмоқда. Шимолий Вьетнам ва Лаос объектларини бомбардимон қилиш планлаштирилмоқда. Масалан, Америкадаги «Уолл-стрит жорнэл» газетаси «Шимолий Вьетнам территориясининг ичкарисидаги ва, биринчи навбатда, Ханой-Хайфон ҳарбий ва, эҳтимол, саноат объектларига ҳам Америка ҳарбий-ҳаво кучлари ва флотининг зарбалар» бериш планлаштирилаётганлиги ҳақида ёзмоқда. АҚШнинг Жанубий Вьетнамдаги уруш ҳаракатлари кенгайтирилаётганлиги, Лаос ва Камбоджанинг мустақиллигига ва суверенитетига тўғтовсиз дахл қилинаётганлиги, Вьетнам Демократик Республикасига қарши игволар кучайтирилаётганлиги натижасида Ҳинди-Хитойда ёнилги материал қўпайиб кетди. Бундай қуролли авантюралар сиёсати Женева битимларини қўпол равишда бузишнинг ўзи бўлиб, халқаро ҳуқуқ нормаларига бутунлай зиддир.

Америка ҳарбийларининг агрессив ҳаракатлари тинчликсевар мамлакатлар ва халқларни хавотирликка солмаслиги мумкин эмас. Шу нарса ҳаммага равшан бўлиши керакки, бундай ҳаракатлар Шарқи-Жанубий Осиёда ва бутун дунёда тинчлик иши учун хатарли оқибатлар туғдиради.

ТАСС ўзига берилган ваколатга биноан, шуни маълум қиладики, Вьетнам Демократик Республикасининг территориясига АҚШ авиациясининг босқинлар қилишидан иборат бўлган агрессив ҳаракат Совет Иттифоқида кескин равишда қораланмоқда ва мазкур мамлакатга қарши бу хилдаги ҳар қандай игволарга чек қўйиш талаб қилинмоқда.

Совет Иттифоқининг позицияси шундан иборатки, бошқа мамлакатлар ва халқларнинг ишларига ҳеч ким аралашмаслиги лозим. Қўшма Штатлар Женева битимларига қатъий риоя қилишлари зарур.

Ҳинди-Хитой ярим оролида авантюристик планларни амалга оширмоқчи бўлиб юрганлар шуни тушуниб олишлари керакки, Совет Иттифоқи қардош социалистик мамлакатнинг тақдирига нисбатан бепарво бўлиб қола олмайди ва унга зарур ёрдам кўрсатишга тайёр.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИ • 2

28 НОЯБРЬ, 1964 ИИЛ
№ 277 (12.931).

МАҲСУЛДОРЛИКНИ ОШИРАМИЗ

Самарқанд бошқармасига қарашли колхозлараро бўрдоқига боқиш базаси коллективи етти йилликнинг олтинчи йилида чўчқаларни семиртириш ҳисобига 2000 центнер гўшт етиштириш мажбуриятини олган эди. Республикамизнинг шонли юбилейини муносиб совғалар билан кутиб олиш учун курашаётган чўчқабоқарларимиз яхши натижага эришяптилар. Ҳозирдаёқ пландаги 4000 ўрнига 4180 бош чўчқа бўрдоқига боқилиб, мажбурият муддатидан икки ярим ой олдин ошириб бажарилди. Семиртириш ҳисобига давлатга 2140 центнер бўрдоқи гўшти топшириб берилди.

Антонина Лемова, ака-ука Николай ва Александр Шмит ўртоқлар кўп ва арзон чўчқа гўшти етиштиришда самарали кўрсаткичларни қўлга киритяптилар. Ўртоқ А. Лемова йил бошидан бери 1050 бош чўчқани боқиб семиртирди. У боқувидаги ҳар бош чўчқа бир кеча-кундузда нормадаги 400 грамм ўрнига 550-600 грамм семирди.

Биз Зарафшон қирғоқларидаги ташландиқ ерларни ўзлаштириб, ёрдамчи хўжалик ташкил этганмиз. Эрта кўкламда 16 гектар ерга нўхат экиб, унинг ҳосилини май ойининг бошида йиғиштириб олдик. Ҳар гектардан 300 центнердан силосбоп нўхат кўкпояси олиниб, чўчқаларга едирилди. Бу майдонларга дарҳол маккажўхори экилди ва ҳар гектар ердан 50 центнердан дон олинди. Силос учун экилган 34 гектар ердаги маккажўхоридан ҳам мўл ҳосил олинди. Шундай қилиб, моллар қишлови учун етарли миқдорда тўйимли озуқа жамгарилди.

Озуқанинг бир қисмини ўзимиз етиштирганимиз ва жамгарганимиз туфайли арзон гўшт етиштиришда яхши кўрсаткичларга эришаётирмиз. 1964 йилнинг ўтган даврида ҳар 100 килограмм гўшт етиштиришга пландаги 1 сўм ўрнига 83 тийин сарфланди. Дастлабки ҳисоб-китобларга қаратанда 10 ойда 34 минг сўм соф фойда олинди. Шу ҳисобдан бу йил ишчилар учун 5 та икки квартирали уй, 1500 бош чўчқа сиғадиган чўчқахона, база учун янги идора қуряпмиз. Марказий поселкамизни водопроводлаштирмоқдамиз.

Коллективимиз ички имкониятларни ҳисобга олиб, йил охиригача камида яна 500 бош чўчқани боқиб семиртириб, 250 центнер гўшт етиштириш учун курашяпти. Ҳосилдан бўшаган ерларга экилган арпа кўм-кўк майса бўлиб қолди. Гўшт таннархини янада арзонлаштирамиз.

Г. Ю. КАН,
Самарқанд бошқармасидаги колхозлараро бўрдоқичилик базасининг директори.

ҚЎЛИМИЗ КЎКСИМИЗДА

Табиатан деҳқон халқмиз. Меҳнатдан камол, тупроқдан тамал топган халқмиз. Ҳонадонларимизнинг тўқлиги ҳам, қизларимизнинг кўҳлиги ҳам, кенжатойларимизнинг шўхлиги ҳам меҳнатдан. Бий далада турфа гул, чаман ичра сунбул кўкартиш биз учун ота мерос саналади. Элда яхши ном таратган бола отасига, пахтадан хирмон уйишда таъриф тилга тушган қизлар онасига қиёс қилинади бизда.

Бағри чексиз ва ниҳоятсиз азим Мирзачўл ерларини кезиб юрибмиз. Ҳар қадамда юксалиш, ўзгариш, яшаш ва яшариш.

Бир томони Зарафшон ва Сир соҳиллари, бир чеккаси Ховос ва Гандумтош қирлари, бир тарафи Сардоба ва Зомин чўллари-ю, бир ёни Бахтқудуқ ва Қизилқум яйловлари, чорвачиликда тенгсиз Фориш ва узумчиликда қиёссиз Боғишамол боғларигача қулоч отган Сирдарё областида бугун катта шодиёна. План тўлди — «оқ олтин»дан тўрт юз минг тоннали хирмон тикланди. Кенжа ва забардаст бу диёрда ҳам тўй тўйга, байрам тантанага айланиб кетди. Шу тантанани тавсифлаш, ҳазрати Навоийнимизнинг Фарҳоду Ширинларига тенг келадиган неча-неча Қувонди Жаводларнинг, ҳусну жамолда, ақлу камолда тенгсиз қанчадан-қанча Инобату Раъно қизларнинг жасоратлари, журъати, ғайрат-шижоатини сўз билан таърифлаш осон гап дейсизми! Бундай кезда дарёликда Эргаш Жуманбулбулдай оқин, гўёликда Фозил отадай соҳибий сухон, теранликда устод Ғафур Ғуломдай пешво бўлишга тўғри келади. Камоли ишонч ва қувонч билан шуни таъкидлаймизки, миришкорлар меҳнати ҳар қанча улуғланса, номлари қанчайин эъзозланса оз, мадҳиясини айтган билан адо бўлмайди.

Ҳа, бу йил чинакам пахта йили, бахт ва омад йили бўлди. Она табиат ҳам роса қарашиб берди. Қарияларимизнинг кузнинг бундай қутли ва баракали келишини кўп йиллардан бери кўрмаганмиз, дейишлари ҳақ гап. Ахир, водийга олтин куз қадам ранжида қилганидан буён орадан саксон кун ўтди. Бултур бутун бошли уч ой давомида планни юз қила олмаган область бу йил саксон кунда маррага етди. Лекин бу— табиатнинг хайр-саховати эмас, балки меҳнат ва уни амалга оширувчи инсоннинг ақл-заковати, химиянинг ҳиммати, техниканинг қудрати туфайлидир.

Тўрт юз тўрт минг тонна! Шу пахтадан тўқилган газлама билан бутун ер шарини ўттиз олти марта айлантириб чиқиш мумкин. Агар шу пахтанинг чигитидан олинган жами мой транспортга юкланадиган бўлса, бунинг учун 16 минг вагонли темир йўл состави талаб қилинарди. Тонналарграммлардан буёнд этилади. Граммлаб, миллиоллаб бунёд этиш мумкину, аммо шунча пахтани қўл билан териб олиш қийин. Шунинг учун ҳам сиртдарёликлар машинани қанот ва қувват деб билиб, 180 минг тоннадан зиёд дурни «пўлат панжа»лар билан териб олдилар.

Машина терими планини 170 процент адо этган, гектаридан 26 центнердан хирмон кўтариб, областда тўй-томошани биринчи бўлиб бошлаб берган қадимий Жиззах далаларини кезиб юриб, йўлакда тўкилган толаларни авайлаб териб юрган, ёшим олтмишлардан ошган қордай оппоқ соқоли кўкси билан туташган кекса пахтакор Хидир отага дуч келиб, «хорма — бор бўл»дан сўнг, уни гапга солдик:

— Отахон, «гектар бошига эллик центнердан берамиз» деган экансиз, қирқ бешдан энди сал ошибди-ку?

— Эллиқдан ошса ошадики, кам бўлмайди, — дейди отахонимиз «Москва» колхозининг звено бошлиғи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Хидир Халилов.

Суяги меҳнатда қотган, раислиқни амал эмас, масъулият деб билган, меҳнат қаҳрамони, йигит ёши ер очиш билан ўтган, пахта устаси Ҳамроқул ота Носировни даладан топдик. Колхозда пахта ҳосилдорлиги 32 центнерга етганини раснинг ўз оғзидан эшитдик... Йўлимизда давом этдик. Сайхону сойлари, кўз илгамас пахтазорлари яхлитликда:

Ери осмон гардишига туташ
бўлиб кўринган,
Меҳнат аҳли кўксимизга сиғдош
бўлиб кўринган,
Сизот суви сой сувидан тиниқ
бўлиб туюлган,
Марзалари гул-лолага тўлиқ
бўлиб туюлган,
Каналлари кўзимизга кўзгу
бўлиб кўринган,
Табиати, тупроқ, тоши эзгу
бўлиб кўринган

Янгиер башқармаси пахтакорларининг қувончига шерик бўлиб, навбатдаги совринни олган, мақтаса мақтагудек, шухрати бутун вилоят бўйлаб таралган Гулистон бошқармасидаги катта юксалишдан бошимиз кўкка етди. Азаматлар ҳозироқ мажбуриятни ҳисобига минг тонна пахта топшириб қўйишибди. Қаҳрамон Турғун Аҳмедов номли колхозда бўлдик. План юздан ошиб кетибди.

Колхоз раиси Шерқул Олтмишев билан дала кезар эканмиз, қарағай ўрмонларидай саф чеккан колхознинг аъзамат йигитлари Хўжабек Холдоров, Эргаш Хўрозов, Мавлон Жўраев сингари яшил суворийлар, терилган пахтани ўз вақт-соатида пунктга етказиб туришда жонбозлик кўрсатган Пегай Василий, Хулос Сангиров каби шоферлар, кексалигига қарамай хирмонда бош-қош бўлиб турган Ашур ота Холбоев, Азиз Чахалидзе каби мўйсафидлар; ёши улуғлари келин қилсам деб орзу этган, унча-мунча йигитлар сўз қотишдан уялган Саломат Тайлоқова, Маржон Ёқубова, Хосият Эрматова каби теримда пешқадамликни қўлдан бермаган қўлинг дард кўрмагур қизларни учратиб, уларнинг маҳоратига тан бердик.

«Хазиналар ороли»ни яёв кезиб юрганимизда бир ажиб ҳис бор эди бизда. Дўстлигимиз ғалабаларимизнинг зўр омили бўлаётганига шу маскан мисолида яна бир карра ишонч ҳосил қилдик. Бу ерда 40 дан ортиқ тўрли миллат вакиллари бири бирига устоз ва шогирд, бири бирига ҳамдам ва курашдош бўлиб меҳнат қилишяпти. Поёнсиз далаларда, театр ва клубларда қозоқ ўлани ўзбек ялласи билан, рус лапари, украин «гопак»и билан, кавказ «лезгинка»си, «Помир» рақси билан, ўзбек аскияси, қозоқ айтишуви билан бир бутун бўлиб қўшилиб кетганидан бениҳоя севиндик. Қозоқ элининг 3 миллион 663 гектар ерининг Ўзбекистонга армуғон қилиниши ҳақиқатан ҳам табиий ва қонуний, бу — бағри кенг мамлакатимиз сатҳига нисбатан катта майдон эмас, аммо бунинг аҳамияти нақадар зўр, моҳияти сермазмундир. Бу — икки элнинг бир-бирига оғалиги, дил рози, меҳр рамзидир. Ана шундай олтиндан қиммат, қуёшдан иссиқ, бўрондан кучли тотувлигимиз туфайли «Пахтаорол» яшаб-яшнаб камол топмоқда.

Бу ерда ўтган тўрт ўн йиллик давомида 515 минг тоннадан кўпроқ пахта тайёрланди. Ярим миллион тоннадан кўпроқ «оқ олтин»! Бу айтишга осон. Бу — узуилиги 30 метр ва оғирлиги 500 тоннадан иборат 4800 та пахта бунти демакдир. Бордн-ю, бу ғарамлар ёнма-ён тизиб чиқилса, 114 километрни ташкил этади. Шундан бир сарҳисоб қилайлик: бир килограмм пахта толасидан ўн метр газлама тўқилган тақдирда мазкур совхоз олтинпазлари ана шу муддат ичида озмунча кишиларни чиройли, хушбичим кийим-кечаклар билан кийинтирадиларми!

Бу гулшан Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси билан тенгдошдир. Юбилейга муносиб армуғон тайёрлаш ишқи уларнинг биларигида янгича куч, қилиқда режалар уйғотди бу йил. Нурмаҳаммет Есентоев бошқарувчилик қилаётган бўлим 1150 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан хирмон кўтариб маррага етди. Бошқа бўлимлар ҳам бирин-кетин ғалаба рапорти бермоқдалар.

Санайверсак, ғолиблар кўп. Мирзачўл далалари эса тунда ҳам уйғоқ. 415 минг тоннали улкан хирмон учун кураш давом этяпти. Даларда кураш ва меҳнат сурури, пайҳаллларда пахтакор деҳқоннинг пахлавон қомати ўхшиқрон. Ана шундай ўнлаб, юзлаб ва минглаб пахлавонлар, машъаллар водийни ёритиб, қалб ҳароратн билан ишитиб, равшан этиб турибдилар, Ленин руҳи билан ҳаёт, мангу сўнмасдир, барҳаётлиги абадул-абаддир.

Сирдарёлик азаматлар, сизларга айтадиган сўнгги сўзимиз шу: ғалабанга қутлуғ бўлсин, олганларингиз олтин бўлсин. Қўлимиз ҳамиша кўксимизда, тоабад таъзим билан хизматларингиздамиз.

Ҳамид ТОЖИБОЕВ,
Тўра СУЛАЙМОН,
Эркин ОТАБОЕВ,
Гулистон — Тошкент.

БАЛИҚЧИ районидаги «Пахтакор» колхози аъзолари келгуси йил мўл ҳосили учун замин тайёрламоқдалар. Бу ерда кузги-қишки ишлар, айниқса шудгорлаш ва шўр ювиш ишлари кучайтириб юборилди. Колхоз деҳқонлари Марказий Фарғона ерларида мўл ҳосил етиштириш учун экин майдонларини зарарли тузлардан яхшилаб тозалаш кераклигини яхши тушунадилар. Суратда: колхоз раиси Ҳаким Қаюмов 14-бригада далаларида сувчи Абдулла Қозоқовнинг иш сифатини текширмоқда.

Л. Мейнерт фотоси.

КАНАЛ КЕНГАЙТИРИЛМОҚДА

Жанубий Фарғона канали соҳилида моторлар ва кучли экскаватор. ларнинг гувиллаган овози эшитилмоқда. Қарийб чорак аср илгари қазилган сунъий дарё ўзанини кенгайтириш ва чуқурлаштириш ишлари бошланди.

Старший машинистлар Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган бинокор Степан Бахарев, Иван Михайлов ва Петр Максимовларнинг экскаваторлари биринчи бўлиб ишга тушди.

Механизаторлар ва қурувчилар каналнинг Толмозор қишлоғидан Олтиариққача бўлган олтмиш беш километрли участкасида уч миллион кубометр ер қазишлари, олти минг кубометр бетон ётқизишлари, юзлаб гидротехника иншоотларини қуришлари лозим. Канални реконструкция қилиш тамом бўлганидан кейин ана шу участканинг сув ўтказиш қобилияти қариб уч баравар ошади ва секундига олтмиш кубометрга етади. Бу эса илгаридан ҳайдалиб келган ерларни сув билан яхшироқ таъминлаш имконини беради. (ЎзТАГ).

ШУДГОРЛАШ ҚИЗҒИН

Ҳосилдан бўшаган далалар тўшини қуёш тафтига тутмоқда. Ишнинг кўзини билган миришкор деҳқон етиштирилган ҳосилнинг сўнгги граммларини ҳам тезроқ йиғиб-териб олиб, келгуси йил мўл ҳосилига пухта замин ҳозирлашга киришди.

Бухоро область, Ғиждувон районидаги «Бухоро» колхозининг азамат пахтакорлари ҳам кузги шудгорлашни ҳозирданоқ қизғин тус олдириб юбордилар. Колхозда ҳосилдан бўшаган майдонлар пешма-пеш ҳайдалмоқда. Масалан, Саъдулла Пўлатов бошлиқ бригада аъзолари дала ишларини конвейер усулида ташкил этдилар. Гектар бошига 28 центнердан «оқ олтин» кўтарган бу бригада ҳосили батамом йиғиштириб олинган майдонларнинг ҳар гектарига 180-200 килограммдан минерал ўғит солиб шудгорламоқда.

Колхознинг бошқа бригадаларида ҳам кузги шудгорлаш жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Тажрибали тракторчилардан Салим Шарипов, Раҳим Халилов. лар сабзавот ва полиз экинларидан бўшаган 100 гектар ерни сифатли шудгорлаб қўйдилар.

Т. НАЗИРОВ.

ҲУРМАТ тахтаси

ДАВЛАТГА ПАХТА СОТИШ ЮЗАСИДАН ОЛГАН СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАРИНИ МУДДАТИДАН ИЛГАРИ БАЖАРГАНЛИКЛАРИ УЧУН РЕСПУБЛИКА ҲУРМАТ ТАХТАСИГА ЕЗИЛАДИЛАР:

Поп ишлаб чиқариш бошқармаси (бошқарма партия комитетининг секретари ўртоқ **Н. Охунов**, бошқарма бошлиғи ўртоқ **Б. К. Мишетьян**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **А. Мирзааҳмедов**, комсомол комитетининг секретари ўртоқ **С. Пириминазаров**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **М. Долимов**).

Қарши ишлаб чиқариш бошқармаси (бошқарма партия комитетининг секретари ўртоқ **И. Бузруков**, бошқарма бошлиғи ўртоқ **Х. Қўйбоқаров**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Ю. Хушвақтов**, комсомол комитетининг секретари ўртоқ **И. Жўрабоев**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **В. Г. Кузнецов**).

Ғузор ишлаб чиқариш бошқармаси (бошқарма партия комитетининг секретари ўртоқ **Қ. Маҳмудов**, бошқарма бошлиғи ўртоқ **К. Р. Аҳмаджонов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **И. Маҳсумов**, комсомол комитетининг секретари ўртоқ **Я. Иноятов**, «Узсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси ўртоқ **Я. И. Иллиади**).

ДОН ЭКИШ ТУГАЛЛАНДИ

КРАСНОГВАРДЕЙСК, («Совет Ўзбекистони» мухбиридан). «Ленинобод» колхози кузги дон экишни Булунгур районида биринчи бўлиб тугаллади. Сифатли ҳайдалган 1 минг 260 гектар ер бороналаниб, сеялка билан уруғ экилди. Шунингдек 2-«Булунгур» совхозида ҳам 2 минг 300 гектар лалмикор участкада кузги дон экиш муваффақиятли тамомланди.

Бу илғор хўжаликларда кузги дон экиш давом эттирилмоқда.

Л. ЭРГАШЕВ.

ТЕЗ СУРЪАТЛАР БИЛАН

Ўзбекистон ғаллакорлари кузги дон экинларини ўтган йилдагидан тез суръатлар билан экмоқдалар. Экин майдонининг учдан икки қисмига — қариб етти юз эллик минг гектар ерга уруғ сепилди.

Сурхондарё областининг ғаллакорлари кузги-баҳорги экинларни жадал экмоқдалар. Сирдарё областининг деҳқонлари икки юз минг гектар ерга донли экинлар экиб қўйдилар. Анчагина суғориладиган ерларга ҳам донли экинлар экилди. (ЎзТАГ).

«ЎЗБЕКИСТОН» ТЕПЛОХОДИ ЭКИПАЖИНИНГ РАПОРТИ

«Ўзбекистон» теплоходининг экипажи Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг шонли 40 йиллиги кунида республика меҳнаткашларига самимий табриклар йўллайди. Саноат, қишлоқ хўжалиги, маданиятни ўстириш соҳасида, меҳнаткашлар фаровонлигини тобора яхшилашда янги-янги зафарлар тилайди.

Қора денгиз пароходчилигининг «Ўзбекистон» теплоходи экипажи Улуғ Октябрнинг 47 йиллиги ва Ўзбекистон ССРнинг 40 йиллик тўйини янги меҳнат зафарлари билан кутиб олди. 1964 йилда пассажирлар, юк ташиш плани барча турлар бўйича бажарилди.

Ватанимиз бахт-саодати учун шонли меҳнатингизда янги муваффақиятлар тилаймиз.

Экипажнинг топшириғига мувофиқ теплоход капитани П. КАРЛИКОВ, капитаннинг биринчи ёрдамчиси А. ДАНИЛОВ, кема комитетининг раиси И. ДАХНО.

МАЖБУРИЯТ ҲАМ БАЖАРИЛДИ

Қашқадарё областининг Ғузор бошқармаси пахтакорлари йиллик планни республикада иккинчи бўлиб бажариб катта ғалабани қўлга киритган эдилар. Улар республикамиз ва Ўзбекистон Компартиясининг 40 йиллик юбилейини муносиб меҳнат совғаси билан кутиб олдилар. 17 ноябрь куни социалистик мажбурият ортиғи билан бажарилди. Бу ғалабага шартли суғориладиган ерлардан рекорд ҳосил етиштириши таъминлаган Карл Маркс номли, Ленин номли колхозлар ва Киров номли совхоз азаматлари салмоқли ҳисса қўшдилар.

З. ИСРОИЛОВ.

КИБЕРНЕТИКА ИСТИҚБОЛИ

Электрон ҳисоблаш техникасининг вужудга келишига кўп кишилар техникада иккинчи революция, деб баҳо бермоқдалар. Ҳақиқатан ҳам бу янги техниканинг инсон фаолиятининг ҳамма соҳаларига кўрсатаётган таъсири жиҳатидан механик двигателнинг яратилишидан қолишмайди, ҳатто ундан ҳам ўтади.

Дастлаб мураккаб математик масалаларни ҳал қилиш учун яратилган ҳисоблаш машиналари ҳозирги вақтда математикадан жуда узоқ бўлган фан, техника ва халқ хўжалиги соҳаларида қўлланилмоқда. Машиналар ишлаб чиқариш процессларини бошқаришда, беморга диагноз қўйиш ва даволаш йўлларини аниқлашда, қадимий қўл ёзмаларни ўқишда, таржима қилишда ва кўп бошқа соҳаларда муваффақиятли ишламоқда.

Фақат бизнинг социалистик шароитимизда, план асосида ташкил қилинган экономика мавжудлиги сабабли электрон ҳисоб машиналари имкониятларидан тўла фойдаланиш мумкин. Негаки янги техника бизнинг хўжалик юритиш системамиз илгари сурадиган вазифаларни ҳал қилишга кўпроқ мослашгандир.

Фикримизнинг далили учун қўйидаги мисолларни келтирамиз. Украина ССР Фанлар академиясининг Кибернетика институтида мамлакатимизда юк ташишга доир анча мураккаб масалаларни ҳал қилишга тўғри келди. Бу соҳада ўтказилган тажрибалар темир йўлларда юк ташишнинг электрон машиналар ёрдамида тузилган жадвали илгариги усуллар билан тузилган жадвалларга қараганда 10-15 процент тежамли эканини кўрсатди. Машина тузган жадвал асосида автомобилларда юк ташиш салкам икки баравар тежамли бўлиб чиқди. Ишлаб чиқариш даражаси тез суръатлар билан ривожланаётган ҳозирги пайтда, ҳисоблаш ва планлаштириш органлари тўплаётган ва қайта ишланиши лозим бўлган маълумотлар миқдори янада ўсмоқда. Агар планлаштириш, бошқариш ва ҳисобга олишнинг техника билан жиҳозланганлик даражаси ҳозиргидек сақланиб қолинса, 1980 йилга бориб Совет Иттифоқининг бутун катта ёшдаги аҳолиси мана шу ишлар билан шуғулланиши лозим бўларди. Бундай мушкул аҳволдан қутулишнинг бирдан-бир йўли ҳисобот ва планлаштиришни тўла автоматлаштиришдан иборат.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ҳисоблаш марказида ҳам муҳим халқ хўжалик аҳамиятига эга бўлган масалалар ҳал қилинмоқда. Масалан, Ўрта Осиё темир йўлларида кўмир ташишни таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, Ўзбекистон ва Қирғизистон Госплани, Халқ хўжалиги кенгаши, кўмир савдоси ташкилотлари томонидан тузилган планларда мувофиқлик йўқлиги ва собиқ темир йўлларда юк оқимининг стартича ўрнатилмаганлиги туфайли кўмир норационал ташилганлигини кўрсатди.

Норационал ташилган кўмирнинг умумий миқдори 623.772 минг тонна—километр чамаси бўлган. Электрон машинада ҳисоб қилингандан сўнг, кўмир ташиш планини характерловчи жадвал тузилди. Шу планга мувофиқ ишлаш кўп маблағни тежаш имконини беради. Шунингдек, ҳисоблаш марказида чигит ташиш ҳамда Тошкент шаҳридаги автомобиль парки ишини рационал ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган масалалар ҳам ечилди.

Кибернетика методларидан амалий фойдаланадиган энг истиқболли соҳаларидан бири социалистик қишлоқ хўжалигимиздир. Электрон ҳисоблаш машиналарини қўлланиш саноат ва граждан қурилишларини лойиҳалаш практикасида ҳам катта имкониятлар очиб беради. Масалан 1960 йилда «Урал-1» машинасида 35 соат мобайнида 2,7 миллион киловатт қувватли Норак гидроэлектростанцияси тўғонининг аркали варианти ҳисоблаб чиқарилди. Одатдаги усул билан ҳисоб қилинганда бунга уч ойдан кўпроқ вақт кетарди. Шундай қилиб, оптимал план билан ишлаш туфайли, қўшимча маблағ сарфламаган ҳолда маҳсулот чиқаришни 10-12 процент, баъзида эса 40 процентгача кўпайтириш мумкин. Юқорида келтирилган мисоллардан ҳисоб техникасини иқтисодий фаолиятимизнинг турли соҳаларида кенг қўллаш, бугунги кундаёқ беҳисоб фойда келтириши ўз-ўзидан кўриниб турибди.

Кундалик турмушимизда электрон ҳисоб машиналаридан кенг фойдаланиш янги техникадан етарли даражада хабардор бўлишни талаб қилади. Шунинг учун ҳам кибернетиканинг имкониятларини кенг тарғибот қилиш биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган вазифадир.

Э. МУҲАММАДИЕВ,
ТошДУ аспиранти.

СОВЕТ УЗБЕКИСТОНИДА босилгандан КЕЙИН

ТАДБИРЛАР БЕЛГИЛАНДИ

«Совет Ўзбекистони» газетасининг шу йил 4 ноябрь сонида босилган матбуот обзорида «Хоразм ҳақиқати» газетаси редакцияси партия-давлат контроль комитети органлари фаолиятини суст ёритаётганги танқид қилинган эди. Редакция коллективи обзорни муҳокама қилиб, унда келтирилган фактлар тўғрилигини эътироф этди, йўл қўйилган камчиликларни тугатишга қаратилган оператив тадбирлар белгилади.

Партия-давлат контроль комитети органлари, халқ контролёрларининг фаолиятини кенг ёритиш мақсадида редакция ҳузурида штатсиз бўлим ташкил қилинди. Унинг атрофига иш билармон, ташкилотчи кишилардан 7 киши уюшди. Штатсиз бўлим ходимлари билан семинар ўтказилди.

„НОСИРОВ ОЛИМ БЎЛМОҚЧИ"

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлаш министрлиги қўйидагиларни хабар қилади:

«Совет Ўзбекистони» газетасининг 1964 йил 26 июнь сонида босилган юқоридаги сарлавҳали фельетонда министрликнинг раҳбар ходими Б. М. Носировнинг ўз илмий раҳбари қорақўлчилик илмий текшириш институти директорининг ўринбосари М. А. Кошевойга бир ойлик маоши миқдорида моддий ёрдам беришга кўмаклашгани ва бошқа камчиликлари танқид қилинган эди.

Текширишда ўртоқ Кошевой ёрдам пулини директор фондидан эмас, бўлиш илмий ишлар фондидан олгани маълум бўлди. Шу сабабли у, 400 сўм пулни институтга қайтариб топширди. Ўртоқ Носировга ваколати бўлмаган ҳужжатни имзолаб коллегия аъзоси ҳукуқини ошириб юборгани кўрсатилди. Қорақўлчилик илмий текшириш институтининг директори ўртоқ Ниёзовга қонунсиз буйруқни ижро этиб нотўғри иш қилгани кўрсатилди. Аммо буларнинг ҳаммаси ҳам ўртоқ Носировнинг илмий ишига — кандидатлик диссертациясини ёқлашига хеч қандай алоқаси йўқлиги маълум бўлди.

ЎЗБЕК МУЪЖИЗАСИ

КИНО

Ўз тақдири, она диёри тарихини яратиб, шуҳратига-шуҳрат қўшаётган қаҳрамонлар билан учрашув чинакам санъаткорга олам-олам илҳом бағишлайди, ижодга ундайди. Бундай учрашувлар натижасида вужудга келган асарлар китобхон ва томошабиларга шавқ-завқ бағишлайди, маънавий озиқ беради. «Олтин тўй» янги тўламетражли рангдор киноочеркининг муҳим фазилатлари ҳам ана шундадир. Киноочеркнинг асосий қаҳрамонлари — самарқандлик Эргашевлар хонадони. Бу оиланинг 86 аъзоси бўлиб, улардан 24 киши олий маълумотли, 16 киши ҳукумат мукофотлари билан тақдирланган, 14 киши КПСС аъзоси, 5 киши Советлар депутатлари, Собиқ батрак ўғли, ҳозир эса пенсионер, кекса коммунист Эргаш ота оиласи ана шундай бахтли оиладир. Ҳар доим ҳаёт ва меҳнат қайнаган жойда ҳозир ва нозир атоқли кинорежиссёр Малик Қаюмов бошлиқ киножурналистларнинг ғайрат-шижоати туфайли ана шу бахтиёр оиланинг қиссаси, фаровон ҳаётнинг мадҳияси экран тилида томошабиларга ҳикоя қилинади. Кинорежиссёр М. Қаюмов кинопублицистика тараққиётига ижодий ёндошиб келаётганлигини яна бир карра намойиш этади, конкрет бир оиланинг экран қиссаси пировардида республика ҳаётидан қиноя қилади, томошабин кўз ўнгида уч бўғинга мансуб қаҳрамонларнинг кинобиографияси гавдаланади. Бир қатор синхрон равишда олинган, шунингдек мумкин қадар ифодали съёмка қилинган эпизодлар замнида чуқур эҳтирос, санъаткорона дид етади.

Киноочеркдаги олтин тўй эпизоди аслида фильмнинг финали ҳисобланади. Оиланинг ҳар қайси аъзоси образида совет воқелигининг ҳаётбахш кучи, замонамизнинг буюк фазилатлари тараннум этилади. Бундан 40 йил муқаддам эски кинохроника кадрларида тасвирланган республиканинг аянчли, нурсиз ҳаётнинг шу кундаги қувноқ, фаровон, ҳур ҳаётга қиёс қилиб кўрсатилиши томошабинда кучли таассурот қолдиради. Айниқса оила аъзоларининг ижтимоий ҳаётда тутган ўрнини ва шу кунги бахтли турмушни кенг кўрсатишга интилиш фильм ғоясини эмоционал фонда очиб беришга хизмат қилган. Мана, Эркин Эргашевнинг ижтимоий фаолиятига назар ташлайлик. Ўзбекистоннинг поёнсиз водийлари, ғўзаи Помир тог бағирлари, Олой водийси, Қорақум воҳалари, Иссиқкўл қиргоқлари унинг тажриба лабораториясидир. 32 ёшида ветеринария фанлари доктори бўлиб етишган Эркинни мамлакатнинг таниқли олимлари қутлайдилар. Улар орасида устози, Ленин мукофоти лауреати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, академик Скрябинни кўрамиз. Эркин Ўзбекистон ветеринария илмий-текшириш институтининг директори вазифасида ҳам катта илмий ишлар олиб бормоқда. Унинг рафиқаси эса ветеринария фанлари кандидатидир. Самарқанд шаҳрининг бош боғбони Ҳамиднинг меҳнатини кўз-кўз қилган киноқадрлар ҳам чуқур лирика ва нафосат билан суғорилгандир. Баҳор чоғида оппоқ гулларга бурканган она диёр кўринишларига боқиб тўймайсиз, конкурс Ҳамиднинг гул ўстириш санъатига таҳсинлар ўқийсиз.

Боис Эргашев ва унинг бирадарлари Афанасий Жилин образларида она-Ватан ворисларини, қаҳрамонлик олтин юлдузлари эгаларининг ҳаётн ва буюк дўстлик туйғулари ифода этилади. Азиз меҳмон Жилин нуроний ва навқирон Самарқандниинг маданий ёдгорликлари, шу кундаги яшарган қиёфаси билан яқиндан таниш. шади, қалби шавқ-завқка тўлади.

Киноочеркда ҳар қайси қаҳрамон қиссаси мисолида бой ҳаётимизнинг муайян қирралари моҳирлик билан очиб берилади. Айтайлик, Мамлакат таълим олган медицина институтининг кенг, шинам ўқув залида машгулот бормоқда. Кадрда оператор олий ўқув юртидаги гавжум ҳаётни, илмга интилган ёшларнинг бахтли турмушини ифодалайди. Мамлакат ўқув юртини тамомлаб, ишлаш учун қишлоққа йўл олади. Халқ ишига отланган ва ширин кечиналарга берилган ёш шифокор бизда чуқур меҳр уйғотади. Диктораинг ҳаяжонли овози эшитилади: «Жонажон уйидан йироқ қишлоқда унга «доктор» деб мурожаат этадилар... ва унга ишонадилар. Эргашевлар оиласида тўртинчи врач ва оиланинг олий маълумотли 25-аъзоси шу тариқа сафдан ўрин олди».

Кинорежиссёр мазкур киноочеркни яратиш устида жиддий ижодий иш олиб борган, совет ва чет эл киноархивларида сақланган бир қатор хроникаль киноленталарни кўздан кечириб, ўз қаҳрамонининг кинобиографиясига оид бўлган кинокадрларни қаралаб олган. Очерк кинооператорлари Т. Нодиров, Т. Рўзиев, Т. Бобожонов, М. Арабов ўртоқлар ўз қаҳрамонларини бир неча ойлар давомида яқиндан кузатиб, уларнинг бой руҳий кечинмаларини, кўркам табиат манзараларини, инсон қўли билан бунёдга келаётган улкан янги қурилишларни маҳорат билан рангли киноленталарга кўчира билганлар. Фильмда жозибадор халқ куйларидан усталик билан фойдаланилган.

Тўла ишонч билан айтиш мумкинки, мазкур киноочерки коммунизм қурувчи совет кишиси биографиясининг жонли-ҳаётий кўзгуси, нурли қиссасидир. Шонли юбилейга муносиб армуғон бўлган ушбу асарни ўзбек мўъжизаси тариқасида жаҳон экранларида ҳам кўз-кўз қилсак арзийди.

Б. ҲАСАНОВ.

3 СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
28 НОЯБРЬ, 1964 ЙИЛ
№ 277 (12.931).

ОЛАМ ЯНГИЛИКЛАРИ

Америка агрессорлари, Жанубий Вьетнамдан туёғингизни шиқиллатиб қолинг!

ХАЛҚАРО БИРДАМЛИК КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ХАНОЙ. Бу ерда Америка империализмининг агрессиясига қарши, тинчликни ҳимоя қилиш учун курашаётган Жанубий Вьетнам халқи билан халқаро бирдамлик конференцияси очилди.

Жаҳоннинг турли мамлакатларидан келган 136 делегат, Жанубий Вьетнам озодлик фронти вакиллари Вьетнам Демократик Республикаси Миллат мажлисининг маросимлар залига тўпланишди. Вьетнам Ватан фронтининг раиси Тон Дик Тханг сўзга чиқди. Бизнинг халқимиз, деди у, бу халқаро конференциянинг Вьетнам жанубий қисмидаги ватандошларимизга илҳом бағишловчи жуда катта манба бўлишига аминман.

Вьетнам Демократик Республикаси делегациясининг бошлиғи, Вьетнам Демократик Республикаси умумий меҳнат конфедерациясининг раиси Хоанг Куок Вьет ўз нутқида қуйидагиларни айтди: «Америка империалистлари ўтган 10 йил ичида минг-минглаб қишлоқларни кул қилиб кўкка совурдилар, неча юз минглаб гуноҳсиз кишиларни қириб ташладилар. Жанубий Вьетнамда жуда кўп қон тўкилаётган агрессив урушни зўр бериб давом эттирмоқдалар». Вьетнам Демократик Республикаси делегациясининг бошлиғи уруш доирасини Вьетнамнинг шимолига кўчиришга очиқдан-очиқ интилаётган Америка империалистларининг планларини фош қилиб ташлади ва ана шу разил планлар тамомила барбод этилади деб ишонч билдирди.

Хоанг Куок Вьет қуйидагиларни таъкидлади: Қўшма Штатлар Женевада 1954 йилда тузилган битимларни ҳурмат қилиб, ўз қўшинларини Жанубий Вьетнамдан олиб чиқиб кетган тақдирда, Вьетнам Ватан фронти ва Жанубий Вьетнамни озод қилиш миллий фронти программалари асосида Вьетнам тинч йўл билан бирлаштирилган тақдирдагина Жанубий Вьетнам проблемасини ҳал этиш мумкин.

Конференциянинг биринчи кунги мажлисининг охирида конференция номига олинган табрик телеграммалари ўқиб берилди.

СОВЕТ КИШИЛАРИ ҚАҲРАМОН ХАЛҚНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАЙДИ

Осиё ва Африка мамлакатлари бирдамлиги Совет комитети агрессив Америка империализмига қарши, тинчликни ҳимоя қилиш учун Вьетнам халқи томонидан олиб бориладиган кураш билан халқаро бирдамлик конференцияси қатнашчиларига табрик телеграммаси юборди.

Комитет миллионларча совет кишилари номидан Жанубий Вьетнам халқининг американлик агрессорларга ва уларнинг Жанубий Вьетнамдаги қўғирчоқларига қарши, озодлик ва мустақиллик учун, ўз ватанини демократик асосларда бирлаштириш учун олиб бораётган қаҳрамонона кураши билан астойдил бирдам эканлигини билдиради. (ТАСС).

КОНГОДАГИ АГРЕССИЯГА ЧЕК ҚЎЙИЛСИН!

ЖАҲОН ХАЛҚЛАРИ МУСТАМЛАКАЧИЛАРГА ЛАЪНАТ ЎҚИМОҚДАЛАР

СОВЕТ КИШИЛАРИНИНГ ОВОЗИ

МОСКВА. Бельгия ва Америка империалистларининг Конгодаги ошкора қуролли интервенцияси — Африкадаги барча мустақил давлатларга қўпол дағдаға бўлиб, уларнинг суверенитети ва территориал бутунлигига таҳдид солмоқда, ҳарбий конфликтнинг кенгайиб кетиш хавфини туғдирмоқда, умумий тинчлик ишига таҳдид солмоқда, дейилади Тинчликни ҳимоя қилиш совет комитетининг баёнотида.

Совет кишилари мазлум халқларнинг озодлик ва мустақиллик учун олиб бораётган муқаддас курашини астойдил қўллаб-қувватлаш билан бирга, чет давлатларнинг Конгодаги интервенциясини кескин қораламоқдалар ҳамда барча чет мамлакатларнинг қуролли кучлари мамлакатдан дарҳол олиб кетилишини талаб қилмоқдалар.

БЕВОСИТА ИНТЕРВЕНЦИЯ НАТИЖАСИ

РАБОТ. «Стэнливилнинг қулаши Америка — Белгиянинг агрессив самолётларига база бериб қўйган лейбористлар Англияси мадади билан АҚШ ва Бельгия бевосита қилган интервенция натижасидир», — деб ёзади «Насьон Африкэн» газетаси. Агрессорлар уруш бошлаб юборсан, минглаб конголиклар ҳалок бўлиб кетмасмикин, деб андиша қилиб ўтирмади. Бу энг разилона иркчилик сиёсатининг намунасидир.

ГВИНЕЯ ХАЛҚИ ҒАЗАБДА

НЬЮ-ЙОРК. Гвинея ҳукумати ва Гвинея Республикасининг халқи Бельгия қуролли кучларининг Конгодаги интервенциясидан ғазабланмоқда, деди Гвинея радиоси Стэнливилга Бельгия десанти туширилгани тўғрисида ўз фикрини билдириб. Бу интервенция 1960 йилда Бельгия қўшинларининг Конгога бостириб кирган пайтини эслатиб турибди. Ҳозир Бельгия парашютчилари ажал уруғини сочиш ва ҳамма ёқни вайрон қилиш учун яна Конгога туширилди. (ТАСС).

Ливан Республикаси яқинда ўзининг мустақилликка эришган кунини нишонлади. Суратда: Мамлакат пойтахти Байрут шаҳри.

В. Чередниндев фотоси. (ТАСС фотохроникаси).

ПЛАНЕТАМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

ИШЧИЛАР СИНФИНИНГ КАТТА МУВАФФАҚИЯТИ

РИМ. Провинциал ва муниципал сайловларнинг натижалари — Коммунистик партия, ишчилар синфи, Италияни сиёсий ва социал жиҳатдан янгилаш учун курашаётган барча кишиларнинг катта муваффақиятидир. Италия Компартиясининг бош секретари Луиджи Лонгонинг «Унита» газетасида эълон қилинган баёнотида мамлакатда бўлиб ўтган сайловларга ана шундай баҳо берилди.

1960 йилги маҳаллий ўз-ўзини бошқарув органларига бўлиб ўтган сайловларга, шунингдек 1963 йилги парламент сайловларига нисбатан ҳам Коммунистик партия олга силжиди, деб уқтирилади баёнотда. Компартия антикоммунистик ва антисовет кампания қутириб авж олдирилган бир вазиятда иш кўрганлигини ҳисобга олганда бу муваффақият наҳадар катта эканлиги маълум бўлади.

Сайловларнинг якунлари шундан дарак берадики, деб уқтиради Луиджи Лонго, Коммунистик партиянинг сиёсатини, унинг тинчлик ва озодликни ҳимоя қилиш учун олиб бораётган курашини тобора кўпроқ сайловчилар маъқуллаб чиқмоқдалар.

Луиджи Лонго сайловларнинг натижаларини таҳлил қилиб, мамлакатда сўлга силжиш рўй берганлигини таъкидлайди.

«Эришилган натижалар, — дейилади Луиджи Лонго баёнотида, — партиямизнинг кучи, таъсири ва обрў-эътибори янада ўсганлигини кўрсатиб турибди».

САЙГОНДА ҲАРБИЙ ҲОЛАТ

НЬЮ-ЙОРК. Жанубий Вьетнам бош министри Чан Ван Хионг ўз ҳукуматига қарши бошланган ғалаёнларни тўхтатишга уриниб, Сайгонда ҳарбий ҳолат жорий қилди.

Ассошиэйтед Пресс агентлиги мухбирининг хабар беришига қараганда, Сайгон радиоси ҳукуматга қарши чиқишга чақираётган ҳамма кишилар ҳарбий трибуналга берилади ва ўлим жазосига ҳукм қилинади, деб огоҳлантирган. Ҳукуматга қарши ғалаёнларни бостиришга юборилган солдатларга ўқли патронлар улашилган ва намойишчиларни бошқа воситалар билан ҳайдаб юборишнинг илоҳи бўлмаган тақдирда уларга қараб ўт очиш тўғрисида буйруқ берилган.

Ҳукуматга қарши ялпи ғалаёнлар бошланганлиги ва бир неча соат мобайнида полиция билан намойишчилар ўртасида тўқнашув бўлиб ўтганидан кейин Сайгонда ҳарбий ҳолат жорий этилган. Информация агентликларининг хабарларида айтилишича, юздан ортиқ киши, шу жумладан полициячи ва ҳукумат қўшинлари солдатларидан 60 киши яраданор қилинган.

ЧАД РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АЙТГАНЛАРИ

ФОРТ-ЛАМИ. СССР билан Чад Республикаси ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатиш тўғрисида бир битимга келинганлиги муносабати билан Чад Республикасининг президенти Франсуа Томбалбей ТАССнинг махсус мухбирига қуйидагиларни айтди: «Чад ҳукумати ташқи сиёсатининг асосий принциплари тинч-тотув яшаш ва блокларга қўшилмасликдан иборатдир, қўшилмаган мамлакатларнинг яқинда Қоҳирада бўлиб ўтган конференциясида Чад вакили тутган позиция ана шундан далолат бериб турибди».

Президент келишиб олинган битим тўғрисида гапириб, бундай деди, бу воқеа Чаднинг сиёсий ҳаётида бахтли ҳодисадир, чунки жаҳон давлати бўлган ҳамда тинчлик ва халқлар тараққиёти учун изчил кураш олиб келаётган Совет Иттифоқи билан эндиликда дўстона алоқалар боғлаш имконияти очилмоқда.

БИР ОВОЗДАН МАЪҚУЛЛАНДИ

ДЕҲЛИ. Ҳиндистон парламентининг халқ палатаси Л. Б. Шастри бошчилигидаги Ҳиндистон ҳукуматининг ташқи сиёсатини бир овоздан маъқуллади. (ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ

ЛЕНИНГРАД, 27 ноябрь. (ТАСС). Алишер Навоий номли Ўзбек Давлат академик опера ва балет театрининг гастроллари Ленсовет номли Маданият саройи саҳнасида бошланди.

Гастроллар Ўзбекистон ССРнинг 40 йиллигига бағишланган.

Ленинградга 250 га яқин киши — балет труппаси, Тошкент хореография билим юртининг ўқувчилари, оркестр, вокаль солистлари келди. Улар шаҳар залларида концерт беради.

Меҳмонларнинг репертуарида учта балет: Б. Бровдининг Ҳ. Олимжон поэмаси асосида ишланган, афсонавий қуш номи билан аталган «Семург», Л. Фейгининг Д. Байрон поэмаси асосида ишланган «Дон-Жуан» ва Б. Зейдманнинг В. Гюго романи асосида ишланган «Кулувчан киши» балетлари бор. Театр, шунингдек балет миниатюраларидан ва концерт номерларидан тузилган программани ҳам кўрсатади.

Гастроллар «Дон-Жуан» балети билан бошланди.

ҚИЛМИШ—ҚИДИРМИШ

Н. ТАРИАНОВ

«Новости» матбуот агентлиги томонидан ўқувчиларга ҳиссиётирилган тарзда тақдим қилинаётган «Қилмиш қидирмиш» повести Н. Тариановнинг «Кўзга кўринмас жанглар» (чекистлар ҳақида ҳикоялар) деган китобидан олинган. Бу китобни «Сиёсий адабиёт» нашриёти чиқармоқда. Асарда гўё ўз ишидан бошқа нарсани билмайдиган коммерсантлар, журналистлар, дипломатлар ниқобини кийган чет эл разведкачиларига қарши чекистлар олиб борган кураш ҳақида ҳикоя қилинади. Асар шаклан бадиий бўлса ҳам, бўлган воқеаларга асосланган.

ТАВАККАЛ

...Элмер Тилл кеча осонгина кўниб қўя қолган ишдан яхшилик чиқмаслигини йўлда автобусда силкиниб келаётгандагина пайқаб қолди. У Интеллиженс сервис билан ҳамкорлик қилиб панд еган коммерсантлардан бир нечасини биларди. Бундай ҳодисаларни эсларкан, Тиллнинг таъби борган сари ҳира бўларди. Фирма идорасига келиб, ўз уйига кирганда юрагига ғулғула туша бошлади. Йўқ. Бўлмайди. У расво Партлининг юзига тупургани бўлсин. Тождорларнинг хизматини ўша мансабдорлар, амалдорлар, аъёнларнинг ўзлари қилишаверсин. Улар бунақа ишларни сув қилиб ичиб юборишган. У, Элмер Тилл — қичкина одам. Шу расво фирмадан унча-мунча даромад оламан деб ўзини ҳар ёнга уриб юргани ҳам етар. Кеча Партли оғиз кўпиртириб бегона юртларда қамоқхонада ётсинми? Бунақаси кетмайди. Унинг оиласи, ўғли бор. Сокин, сентименталь Англияда. ўтирган жойининг ўзида ҳам пул топа олади-ку.

Эшик товушсиз очилди. Тилл бошини кўтарди. Кабинетда Партли турарди. У эшикни тақирлатмай кирганди. Энди кечқурун ҳам расво бўлди.

Элмер ўтирган ўрнидан қўзғалмади, секингина айтган «Хэлло, Тилл. Сиз ишғиганимдан хурсандман» деган сўзларига жавоб ҳам бермай, унинг фариштасиз юзига тикилди.

— Мен билан учрашишга тобингиз йўқ кўринади, — деди у. — бунга бирон бир сабаб борми?

— Бугун кечқурунга мўлжаллаган бошқа режаларим бор эди, — деб қуруқ жавоб берди Элмер.

Партли оғзидан бир халқа тамаки тутуни чиқарди.

— Агар сиз, Тилл, —деб кескин оҳангда гап бошладди у, — янги бошлаган бизнесингиз ўзини ўнглаб олмасдан туриб адойи-тамом бўлишини истамасангиз, биз билан тузукроқ муомала қилинг.

— «Биз» деганингиз кимлар? — бўш келмай гап бошлади Тилл ҳам бу муносабатларни бир йўла аниқлаб олмоқчи бўлиб.

— Халқаро коммерсиянинг хавфсизлиги учун жавоб берувчи кишилар билан. Империянинг манфаатлари, парламент, ташқи ишлар министрлиги билан чекланиб қолмаган кишилар билан. Биз ўзимизни давлатнинг жентельменлари деб атаймиз. Оламни сув босиб кетса ҳам биз шундайлигимизча қоламиз. Сизнинг вазифангиз, сизнинг бурчингиз — бизга ёрдам бериш. Ёрдам берганда ҳам ақл билан, фаросатни ишлатиб, актив ёрдам бериш.

Тилл анча равон чиққан бу монологдан ҳайрон бўлиб, Партлига қараб ўтирди. Гапиргани кишининг фариштасиз юзи қотиб қолди. Унинг овози худди металлдек. Тилл бир оз хижолат тортгандек бўлди.

— Мендан нимани талаб қилсаларинг, ҳаммасини бажаряпман, мистер Партли, — деди у.

— Сиз «бажараётган» ўша унча-мунча ишларинг ҳеч мазаси йўқ. Ўтган сафар Москвада роппа-роса уч ҳафта юрдингиз. Қайтиб келганингиздан кейин эса ўзингиз музокаралар олиб борган совет экспорт савдоси министрлигида ишловчи ходимлардан бирининг номини айтдингиз, холос. Унинг оиласи бор-йўқлигини ҳам, ичиш-ичмаслигини ҳам, карта ўйнайдими, йўқми, буни ҳам аниқлай олмагансиз. Айтганча, уни ресторанга таклиф қилдингизми?

— Бу менинг вазифамга қирмайди...

— Буни сизга вазифа қилиб қўямиз!..

Тилл анча равон чиққан бу монологдан ҳайрон бўлиб, Партлига қараб ўтирди. Гапиргани кишининг фариштасиз юзи қотиб қолди. Унинг овози худди металлдек. Тилл бир оз хижолат тортгандек бўлди.

— Мендан нимани талаб қилсаларинг, ҳаммасини бажаряпман, мистер Партли, — деди у.

— Сиз «бажараётган» ўша унча-мунча ишларинг ҳеч мазаси йўқ. Ўтган сафар Москвада роппа-роса уч ҳафта юрдингиз. Қайтиб келганингиздан кейин эса ўзингиз музокаралар олиб борган совет экспорт савдоси министрлигида ишловчи ходимлардан бирининг номини айтдингиз, холос. Унинг оиласи бор-йўқлигини ҳам, ичиш-ичмаслигини ҳам, карта ўйнайдими, йўқми, буни ҳам аниқлай олмагансиз. Сизнинг бурчингиз — бизга ёрдам бериш. Ёрдам берганда ҳам ақл билан, фаросатни ишлатиб, актив ёрдам бериш.